17 ФЕВ 1992

Тошкент ҳақиқати

РЎЗНОМА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 14 (10.263).

1992 йил 21 январь сешанба

Баҳоси 35 тийин.

Вилоят ижтимоий-сиёсий рўзномаси

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг халққа МУРОЖААТНОМАСИ

Азиз ватандошлар!

Тошкент шаҳрининг Талабалар шаҳарчасида шу йил 16 январда бўлган воқеалар республикамизнинг барча софдил кишилари қалбини ларзага солди. Деярли барча ижтимоий табақалар вакилларининг республика Президентига, Олий Кенгашига ва ҳукуматига кўпдан-кўп мурожаатлари ана шундан далолат бериб турибди.

Ушбу масала юзасидан тузилган республика комиссияси иш бошлади. Унинг хулоса ва таклифлари аҳолига хабар қилинади.

Бугун эса Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раёсати Тошкент шаҳридаги Талабалар шаҳарчасида ташкил этилган оммавий тартибсизликлар муносабати билан меҳнаткашларга, ўқувчи ёшларга, республиканинг барча аҳолисига қуйидаги Баёнот билан мурожаат қилишни зарур деб ҳисоблайди.

Республикада яшаётган ҳар бир киши шуни билиши керакки, Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини ўнлаб давлатлар тан олган, уларнинг кўпчилиги билан дипломатия муносабатлари ўрнатиш ҳақида келишиб олинган, Ўзбекистон Республикасини БМТ аъзолигига қабул қилиш масаласи кўриб чиқилаётган бир пайтда ўзларини Ўзбекистон фуқароси деб ҳисобловчи баъзи кимсалар ўз республикаларини жаҳон жамоатчилиги олдида обрўсизлантиришга, мустақил давлатимизни қарор топтириш йўлидаги ижобий ишларни барбод қилишга интилишмоқда.

Улар айрим вазирликлар, идоралар, банк муассасалари, олий ўқув юртлари раҳбарларининг масъулиятсизлиги оқибатида стипендиялар ва купонлар ўз вақтида берилмаганлигидан, нон кечикиб келтирилганлигидан ва шунга ўхшаш бошқа сабаблардан фойдаланиб, талабаларнинг бир қисмини ғайри қонуний ҳатти-ҳаракатларга жалб этишга муваффақ бўлдилар. Бу ҳаракатлар оммавий тартибсизликларга айланиб кетди, ур-йиқитлар бўлди, талабаларнинг ўзларига хизмат қилиб турган объектлар ёқиб юборилди.

Афсуски, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида республика раҳбарлари эркин нарх-наволарни жорий этиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан кўраётган чора-тадбирлардан талабалар етарли даражада хабардор қилинмаган. Ана шу ҳол ғиғвогарларнинг эҳтиросларни жунбушга келтиришига, ёлғон-яшиқ йўллар билан ёшларни қўзғатишига, тўқнашувлар келтириб чиқаришига, шундан сўнг иқтисодий ва ижтимоий масалаларни бир чеккага йиғиштириб қўйиб, нуқул сиёсий талабларни илгари суришларига имкон берди.

Шу муносабат билан ҳар бир киши виждони олдида ана шу саволларга жавоб берсин.

Иқтисодиётни бозор муносабатларига ўтказишга қаратилган тадбирлар мажмуини амалга оширмай туриб, уни эски маъмурий-буйруқбозлик усуллари билан ривожлантириш мумкинми?

Бутун тараққиёт олами ўзаро муносабатларни бозор иқтисодиёти қоидалари асосида ташкил этаётган ва собиқ иттифоқнинг барча республикалари, шу жумладан энг яқин қўшниларимиз ҳам эркин нарх-наволарга ўтган бир пайтда бизда эски нархларни сақлаб қолиш мумкин эдими?

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг охирги сессиясида бу саволларга: йўқ, мумкин эмас, деган қатъий жавоб берилди. Бироқ шу билан бирга, сессияда таъкидланганидек, бизнинг республикамиз ҳамдўстликка кирувчи мустақил давлатлар орасида энг охирги бўлиб ана шу қадамни ташлади, чунки аввало аҳолини, айниқса пенсионерлар, талабалар, ўқувчилар, кам таъминланганларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш керак эди.

Раёсат умид билдирадики, сиз бу йўлда амалга оширилаётган жами чора-тадбирлардан, шу жумладан стипендиялар икки баравардан зиёдроқ оширилганлигидан ва талабалар ошхоналарида нарх-наволар эскича сақланиб қолганлигидан хабардорсиз. Бешта чегарадош республикадаги энг зарур моллар чакана нархларининг қиёсий жадвали депутатларга кўрсатилганлигини ва рўзномаларда босилиб чиққанини эслатиб ўтиш кифоя. Ҳар қандай бегараз ва холис фикр юритувчи инсон бу масалада ҳам бизнинг республикамизда ҳозирги оғир ўтиш даврида одамлар ҳаётини енгиллаштириши мумкин бўлган ҳамма ишлар қилинганлигини эътироф этмоғи керак.

Шундай экан, гап нимада? Нима сабабдан бир гуруҳ шахслар сафсатабозларча чақириқлар, қуруқ ваъдалар билан, объектив қийинчиликлардан фойдаланиб, вазиятни издан чиқаришга, одамлар қалбига ҳавотирлик солишга, чет эллардаги дўстларимизда шубҳа туғдиришга ҳаракат қилмоқдалар?

Бунинг жавоби шундоққина кўриниб турибди. Уларга бизда амалга оширилаётган миллий тотувлик сиёсати, республика раҳбарлари ҳақиқий мустақиллик йўлида жамиятни жипслаштиришга қатъият билан ҳаракат қилаётганлиги ёқмаётир. Улар ўзларининг жирканч ишларини яна ҳам каттароқ кўламда амалга ошириш учун одамлар орасига нифоқ солишни, нотинчлик келтириб чиқаришни, ҳокимият тизимларидан жой олишни жуда-жуда исташади. Улар қонунчиликни мустаҳкамлаш, ҳар турли суиистеъмолларга, айниқса иқтисодиёт ва савдо соҳасидаги суиистеъмолларга барҳам бериш, меҳнаткашлар қонини сўриб ётган мафия гуруҳларининг жинояткорона фаолиятига чек қўйиш соҳасида бошланган ишдан кўрқадилар.

Бундай «арбоблар» (агар шундай айтиш жоиз бўлса) ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун Ўзбекистон мустақиллигининг ашаддий душманлари билан бирлашишлари, ҳар қандай сарф-ҳаражатдан қайтмасликлари, одамлар тақдирини ва ҳатто ҳаётини гаровга қўйишлари ҳар бир кишига аёндир.

Шаҳарчада талабалар ва милиция ходимлари ярадор бўлгани учун, бир йигитнинг жони бевақт узилгани учун, ўнлаб кишиларнинг мажруҳ тақдири учун худди ана шу қўрқоқ ва масъулиятсиз, ўзлари панада қолиб ифлос ниятларини алданган кишилар ёрдамида амалга ошираётган сафсатабозлар гуноҳкордир.

Раёсат ўз гуруҳларининг даъволарини ҳамма нарсадан устун қўяётган ва ғаразли манфаатлари учун курашда ҳеч нарсадан қайтмайдиган сиёсий ғиғвогарларнинг қилмишларини қатъиян қоралайди.

Раёсат оммавий тартибсизликлар чоғида ҳалок бўлган йигитнинг онласи ва қариндош-уруғларига чуқур ҳамдардлик изҳор қилади, ҳукумат ҳам, маҳаллий ҳокимият идоралари ҳам оғир дамларда бу оилани қўллаб-қувватлайдилар деб ишонч билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раёсати миллатидан, ижтимоий мавқеидан, динидан ва қайси партияга мансублигидан қатъи назар, барча фуқароларни ҳозирги мушкул дамларда ғоят масъулиятли, бардошли ва сабр-тоқатли бўлишга, жонажон Ўзбекистонимиз истиқлолини мустаҳкамлаш учун шахсан ҳисса қўшишга чақиради.

Раёсат ушбу даъватни ёшларга, энг аввало талабаларга қаратади, чунки республиканинг келажагини уларнинг билими ва касб тайёргарлиги ҳал қилади.

Шу сабабли ҳозир талабаларнинг асосий вазифаси ўқишдан, ўзлари танлаб олган ихтисоснинг сир-асрорларини билиб олишдан, ҳозирги замон фани, техникаси ва технологияси ютуқларини чуқур ўрганишга тинимсиз интилишдан иборатдир.

Албатта, юқори малакали, ўз касбининг эгалари билан ишлашдан манфаатдор бўлган меҳнат жамоалари, болалари ўзларининг чуқур билимлари ва шу туфайли ғоят самарали меҳнатлари эвазига яхши яшашига интилаётган ота-оналар, доно маслаҳатларига қулоқ солиш ёшларимиз учун ҳам қарз, ҳам фарз бўлган ҳурматли оқсоқолларимиз бу олижаноб ишдан четда қолишлари мумкин эмас.

Ҳозир энг муҳими одамлар ўртасидаги тотувлик ва ишончни, жамиятдаги барқарорликни кўз қорачиғидек асрашдан, ҳаммамиз ҳамжиҳат бўлсаккина, қийинчиликларни енга олишимиз, республикамизни ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг янги марраларига олиб чиқишимиз, унинг барча фуқароларига муносиб турмушни таъминлаб беришимиз мумкинлигини эсда тутишдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раёсати.

РЕСПУБЛИКА КОМИССИЯСИ ТУЗИЛДИ

16 январь кечқурун Тошкент шаҳрининг Олий мактаб ҳамда аҳолининг кам таъминланган табақаларини ижтимоий ҳимоя қилишга доир кўрилаётган тадбирлар ҳақида ўз вақтида тушунтирилмаганлиги ана шу тартибсизликларнинг асосий сабаби бўлди.

Тартибсизликларнинг ҳақиқий сабабларини аниқлаш ва айбдор кишиларни жавобгарликка тортиш билан боғлиқ масалаларни тезда кўриб чиқиш, шунингдек рўй берган воқеалар чоғида аниқланган муаммоларни ҳал этиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг раҳбарияти қуйидаги таркибда республика комиссиясини тузди:

Муталов А. М. — Ўзбекистон Республикасининг бош вазири, комиссия раиси

Самандаров Э. С. — Вазирлар маҳкамаси раисининг ўринбосари, комиссия раисининг ўринбосари

Ҳамидов Б. С. — Вазирлар маҳкамаси раисининг ўринбосари, комиссия раисининг ўринбосари

Фозилбеков А. И. — Тошкент шаҳар ҳокими, комиссия раисининг ўринбосари

КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИ

Алимов Ш. О. — олий ва ўрта махсус таълим вазири

Аъзамхўжаев А. А. — Тошкент ҳуқуқшунослик дорилфунунининг ректори

Алламуродов Б. А. — Касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг раиси

Асқаров А. Ҳ. — Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари

Аҳмедов Қ. А. — Нарх давлат комитетининг раиси

Боқибоев Э. Ж. — молия вазири

Воҳидов Э. В. — Олий Кенгаш Ошкоралик масалалари комитетининг раиси

Волков Г. Г. — Ўзбекбирлашув бошқарувининг раиси

Гуломов С. С. — Тошкент давлат иқтисод дорилфунунининг ректори, Ўзбекистон Республикаси халқ депутати

Даминов Т. А. — Тошкент давлат 1-тиббиёт илмгоҳининг ректори

Зоҳидов М. Т. — Олий Кенгаш кичик комитетининг раиси

Камолов Б. С. — Тошкент шаҳар Собир Раҳимов район Кенгашнинг раиси, Ўзбекистон Республикаси халқ депутати

Камолхўжаев Д. Ю. — ички ишлар вазирининг ўринбосари, Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармасининг бошлиғи

Каримов Ш. И. — соғлиқни сақлаш вазири

Каримов А. Ю. — Ўзбекистон маиший хизмат марказининг раиси

Мадаминов С. (Муҳаммад Солиҳ) — Ўзбекистон Республикаси халқ депутати

Мирзаев Т. К. — Ўзбекистон Республикаси прокурорининг ўринбосари

Мирзиёев Ш. М. — Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари илмгоҳининг проректори, Ўзбекистон Республикаси халқ депутати

Мусаев Э. — Телерадио эшиттириш компанияси раисининг биринчи ўринбосари

Носиров А. Н. — Ўзбекистон Республикаси халқ депутати

Рашидов Т. Р. — Фанлар академиясининг вице-президенти

Раҳмонов Р. — «Ўзбекистон овози» рўзномасининг муҳаррири, республика халқ депутати

Расулов К. Р. — Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари

Раҳимов Ғ. Р. — ички ишлар вазирининг ўринбосари

Темуров Ш. — Тошкент шаҳар маҳалла комитетлари кенгашларининг раиси

Усмонов М. З. — савдо вазири

Халилов Э. Ҳ. — Олий Кенгаш комитетининг раиси

Юсупов Э. Ю. — Тошкент давлат дорилфунунининг ректори

Юсупбеков Н. Р. — Тошкент давлат техника дорилфунунининг ректори

Йўлдошев Ж. Ғ. — халқ таълими вазири

Комиссияга рўй берган воқеа сабабларини чуқур таҳлил қилиш ва икки ҳафталик муддатда можароли вазиятга олиб келган камчиликларни тугатиш юзасидан аниқ хулосалар ва таклифларни тақдим этиш топширилди.

ҚЎШМА БАЁНОТ ИМЗОЛАНДИ

Вьетнам Социалистик Республикасининг ҳукумат делегацияси Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турибди. Делегацияга ВСР Вазирлар Кенгаши раисининг махсус вакили, ВСР ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Нгуен Зе Ниен бошчилик қилмоқда.

17 январь куни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиғида Ўзбекистон Республикаси билан Вьетнам Социалистик Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш тўғрисидаги қўшма баёнотни имзолаш маросими бўлди.

Қўшма баёнотни Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири У. А. Абдураззоқов ва Вьетнам Социалистик Республикаси ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Нгуен Зе Ниен имзоладилар.

(ЎзТАГ).

АНЖУМАН ТУГАДИ

Тошкентда Америка Қўшма Штатлари Бостон шаҳри ҳокимлиги вакиллари иштирокида «Бозор иқтисоди шароитида маҳаллий ҳокимият» мавзуида ўтказилган семинар ўз ишини тугатди. Бир ҳафта давом этган бу анжуманда ўндан ортиқ лекция ва суҳбат тингланди.

— Америкаликлар бозор иқтисодиёти шароитида ҳокимиятни, моҳирлик билан бошқаришни ўрганиб олишган. Шу боисдан ҳам хусусий корпорация раҳбари Даниэл Сатинский, иқтисодий уюшма маркази директори ўринбосари Жон Эволтнинг янгича шароитда маҳаллий ҳокимиятнинг бурчи, ваколати ва тутган ўрни ҳақидаги чиқишлари чуқур таассурот қолдирди,— дейди Тошкент шаҳар Куйбишев район кенгаши ташкилий бўлими бошлиғи А. А. Мирҳожиев.— Делегация раҳбари, Бостон шаҳар ҳокимлигининг қурилиш ишлари бўйича ўринбосари Томас О. Меллий замонавий шаҳарсозликда қўлга киритилган ютуқлар ва муаммолар ҳақида сўзлаб берди.

Америкалик меҳмонлар Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашида ва Тошкент шаҳар ҳокимлигида қабул қилиндилар, республикамиз пойтахти, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларининг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар.

(ЎзТАГ).

• *ЯНГИЙЎЛ ХАБАРЛАРИ*

ТАЖРИБАГА СУЯНИБ

ЯНГИЙЎЛ ноҳиясидаги «Интернационал» жамоа хўжалиги аъзолари бир ярим йил муқаддам оғир аҳволни бошдан кечирдилар. Ишчи кучининг етишмаслиги туфайли далалардаги экинлар қаровсиз қолиши хавфи пайдо бўлди. Четдан қишлоқ хўжалиги бўйича мутахассислар, тракторчилар, далада меҳнат қилишни хоҳловчилр жалб қилинди. Уларга тайёр уйжойлар, томорқа учун ер берилди. Янги кўчиб келганларнинг оиласини моддий жиҳатдан тиклаб олишларига ҳар томонлама ёрдам беришга ҳаракат қилинди. Чорва моллари сотиб олишда кўмаклашилди. Ем-хашак берилди. Мутасаддилар моддий-манфаатдорликни ошириш жамоа хўжалиги иқтисодиётини тиклашнинг бош омили деб ҳисобладилар. Маслаҳат асосида юритилган иш яхши самара бера бошлади. Ишни ташкил қилишнинг ижара пудрати, оилавий звено усуллари ўзининг қатор афзалликларини намоён этди.

Ижарачилар етиштирган 421 гектар майдондаги пахта ҳосили мўл бўлди. Т. Камолов, А. Шокиров, Ғ. Абдуқодиров, И. Рижсиев бошлиқ бригадаларда ҳар гектар ердан 27—32 центнердан ошириб ҳосил олинди. Рафиқжон ва Олимжон Жумаев бошлиқ сабзавоткорлар, Константин Лим бошчилигидаги шоликорлар бригадасида йил охирлаб ғалвир сувдан олинганда натижа кутилганидан ҳам зиёда бўлиб, деҳқонларни мамнун этди.

Айни кунларда жамоа хўжалиги меҳнаткашлари қишки тайёргарлик ишларини қизитиб юборганлар. Механик ҳайдовчилар, созловчи ва таъмирловчилар техника турларини баҳорги экиш мавсумига муддатидан илгари тайёрлаб қўйиш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Мавжуд тракторларнинг эҳтиёт қисмлари, ишчи органлари алмаштирилмоқда. Келгуси ойнинг бошларидан суғориш шахобчаларини, майдон чеккаларидаги ариқ ва зовурларни тозалаш ишлари бошлаб юборилади.

1992 йилда ҳам жамоа аҳли тажрибаларга суяниб, ишни ижара пудратига асосланган ҳолда олиб боришни энг тўғри йўл деб ҳисоблашмоқда.

САМАРАДОРЛИКНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

● НАВОИЙ номли жамоа хўжалиги чорвачилик маҳсулотлари етиштиришда Пискент ноҳиясида яхши кўрсаткичларга эришаётган хўжаликлардан бири ҳисобланади. 1991 йил якунига кўра, давлатга режадаги 1106 тонна сут, 136 тонна гўшт, 1,3 тонна жун ортиғи билан топширилди. Энг қувончлиси чорва туёғи йилдан-йилга ортиб бораётир.

1990 йилда қора моллар бош сони 950 тани ташкил этган бўлса, ҳозирги кунга келиб соғин сигирларнинг ўзиёқ 500 бошдан ошиб кетди. Бузоқ ва қўзи олиш сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бу ўринда Исмат Рисбоев, Унсиной Ўринбоева сингари чорвадорларнинг сидқидилдан меҳнат қилаётганликларини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак.

Биз байрам, дам олиш кунлари деган гапларни билмаймиз, дейишади шу соҳанинг одамлари. Ҳақиқатдан ҳам шундай. Кунутун, йил ўн икки ой жонворларнинг емишидан, парваришидан бохабар бўлиб туришлик чорвадорнинг елкасига нақадар катта вазифа юкланганлигини англатади. Имомали Шерматов, Аҳмаджон Солиев сингари ўз ишининг усталари молларга белгиланган рацион асосида кунига 4 килограмм омихта ем, 6 килограмм беда пичани, 10 килограмм сенаж, 20 килограмм силос, 10 килограмм лавлаги бермоқдалар.

Соғувчи ва молбоқарларнинг асосий эътибори қиш ойларида ҳар бир соғин сигирдан соғиб олинадиган сутнинг миқдорини камайтириб юбормасликка қаратилгандир. Юқори самарадорликка эришиш учун бўрдоқига боқилаётган молларнинг тирик вазнини камида 450 килограммга етказишни мўлжал қилиб қўйишган.

(Ўз мухбиримиздан).

• *Замон ва одамлар*

Ношукур бўлманг, болаларим...

Худога минг қатла шукуркким, эсон-омон 1992 йилга ҳам етиб келдик. Лекин янги йилни бир олам ташвиш, ҳавотирликлар билан кутиб олдик, нарх-наволар бир неча баравар кўтарилиб кетди. Баъзи одамлар, айниқса ёшлар «Энди қандай кун кечирамиз?», деб ваҳимага тушмоқдалар. Болаларим, мен бу дунёда кўп яшадим, бошимдан не-не аломат савдоларни кечирдим. Сиз танқид қилаётган ҳозирги замон қийинчиликлари биз кўрган қийинчиликлар олдида ҳеч нарса эмас. Бугунги ҳаётингиздаги қимматчиликларни биз кўрган қимматчиликлар билан асло таққослаб бўлмайди. Инсоф билан айтинг, меҳмондорчиликка борсангиз, олдингизга дастурхон ёзишга қурби етмаган дўстбиродарларингизни кўрганмисиз? Худога шукур, ҳали ўзбек хонадонларидан файзбарака кўтарилгани йўқ, энг камбағал киши ҳам меҳмон олдига бир лаган палов тайёрлаб қўйишга қудрати етади.

Йўқчилик, қимматчилик нима—бизлардан сўранг, эсласам бугунги кунларимизга минг бора шукрона айтаман. Ҳоҳ ишонинг, ҳоҳ ишонманг, 30—40 йиллари битта нон 100 сўм бўлган, одамлар жон сақлаш учун шўра, беда, кунжара еганлар, кўплари очликдан шишиб кетган, бирор кун бўлса-да, тўйиб нон ейишни орзу қилган...

Халқимизда кўрган кунингни унутма, деган доно нақл бор. Афсуски, тўқчиликка етиб келиб, кўрган кунларимизни унутдик, кўзимизни ёғ босиб, кечагина ўзимиз зор бўлган неъматларни исроф қилишга тушдик. Баъзан кўча-кўйларда ташлаб юборилган нонларни кўзларимда ёш билан олиб, ўпиб, пешонамга суртардим, ишқилиб нонинг уволига қолмайлик-да, деб ҳавотирга тушардим.

Кексаларимиз, ёшларимиз худони эсламай қўйдилар, харом билан ҳалол аралашиб кетди. Биз яшаган даврларда одамлар фарзандларини боқиш, рўзғор тебратиш учунгина меҳнат қилишарди, ҳатто кичкинагина болакай ҳам нон ушоғини кўзларига суртиб, ердан оларди. У пайтларда от-араваси бўлган киши бой ҳисобланарди. Энди-чи? Деярли ҳамма хонадонда машина, ҳеч бўлмаганда «пат-пат» бор. Қисқаси, камбағалмиз, дейишга асос йўқ. Қиммат бўлса-да, дўконларда нарса бор. Президентимиз Ислом Каримовга минг раҳматки, у одамларга; яхши яшагингиз келса, ақл ишлатинг, меҳнат қилинг, демоқда. Бой-бадавлат яшаш учун аввало меҳнат керак. Буни асло унутманг, болаларим.

Мен Оҳангарон шаҳридаги қариялар уйида яшайман, иккинчи гуруҳ ногирониман. Бу ерда мен каби кекса хаста диллар, ўз ўғил-қизлари, қариндош-уруғлари ташлаб кетган отахон-онахонлар кўп. Баъзан ҳўрлигим, бу дунёдан бош олиб чиқиб кеттим келади, ёшлик йилларимни эслайман. У пайтларда қариялар уйи, деган гапни эшитмаганмиз. Ўғил ёки қиз ҳар қандай шароитда ҳам ота-онасини фарзандлик меҳр-муҳаббати билан парваришлаган, ота-онасини ташлаб қўйиш ниҳоятда катта гуноҳ ҳисобланган. Афсуски етмиш йиллик шўро тузуми ота-оналар билан фарзандлар ўртасидан меҳр-оқибатни кўтарди, дин—имонга путур етказди. Фарзандлари, қариндош-уруғлари йўлига мўлтираб кўз тикиб ўтирган кексаларни кўриб, томоғимга муштдек нарса тиқилгандек бўлади, эсиз ота, эсиз фарзанд дейман.

Биз қариялар Ислом Каримов учун якдиллик билан овоз бердик. Деярли ҳар куни уни дуо қиламиз. Барака топкур Президентимиз биз кексалар, ногиронлар учун катта яхшиликлар қилмоқда, тирикчилигимизни тузатишга ҳисса қўшмоқда.

Қариялар уйи ходимларидан ҳам миннатдормиз, улардан фарзандларимиз, қариндош-уруғларимиздан кўрмаган яхшиликларни кўрмоқдамиз. Бугун мен соғлигимизни назорат қилиб, ҳам дори, ҳам ширин сўзлари билан бизни даволаётган С. Алиева, М. Ботирова, З. Бурхонова, З. Қобилова сингари дўхтирлар, қўли ширин ошпазларимиз М. Каримова, Н. Мамутиналар номларини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

Хуллас, сизларга маслаҳатим шу, болаларим: асло ношукур бўлманглар, вақтинча қийинчиликларни сабр-бардош билан енгиб, бел боғлаб меҳнат қилинг, ўз ризқу рўзингизни яратинг.

Абдулла ҲАЙИТОВ.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ АБОНЕНТЛАР ВА ШАҲАРЛАРАРО АВТОМАТ ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР

ДИҚҚАТИГА!

ЯНГИ АВТОМАТ ИУНАЛИШЛАР:

Гомель—02322+XXXXX, 0232+XXXXXX, маълумотлар учун — 9909111.

Ужгород—03122+XXXXX, 0312+XXXXXX, маълумотлар учун — 32222.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН МУХТОР ЖУМҲУРИЯТИНИНГ РАЙОН МАРКАЗИ:

Шуманай—36134+№АТС, маълумотлар учун—62222.

ЧИМКЕНТ ВИЛОЯТИНИНГ РАЙОН МАРКАЗИ:

Чаян — 32548+№АТС.

ШАҲАРЛАРНИНГ ШАҲАРЛАРАРО АВТОМАТ ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИДАГИ ЎЗГАРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР:

Бишкек шаҳрида қуйидаги рақамли телефонлар — 24XXXX, 25XXXX қисман 21XXXX рақамли телефонларга системасиз ҳам уланиши мумкин, маълумотлар учун — 9909111.

Челябинск шаҳрида шаҳар телефон станциясининг илгариги рақамдаги маълумотлар телефони — 9909111 га чиқиш ташкил этилган.

Наманганда янги 4-АТС ишга туширилиши муносабати билан 4-АТС да фаолият кўрсатаётган қуйидаги рақамли телефонлар — 411XX 436XXга, 412XX 437XXга, 417XX 438XXга, 414XX 430XX га ўзгаради. Маълумотларни — 44414, 44592 рақамли телефонлар орқали оласиз.

Тошкент шаҳридаги 42-АТС абонентлари шаҳарлараро автомат телефон алоқасидан фойдаланганда ўзларининг телефон рақамларини теришлари шарт эмас, маълумотлар учун телефон—44-39-31.

Ўзбекистон жумҳурияти Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 5 январдаги 2-сон қарорига асосан шаҳарлараро телеграф-телефон алоқаси хизматидан фойдаланганлик учун солинадиган 5 фоизлик солиқ бекор қилинади.

ТОШКЕНТ ТЕЛЕГРАФ-ТЕЛЕФОН СТАНЦИЯСИ.

УЗОҚ ЗАМОНЛАР САДОСИ

ЭНДИ УЛУҒ АЛЛОМА ва шоир Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейига ташриф буюрган томошабин узоқ замонлар садосини тинглаб, бой маънавий озиқ олади, руҳи енгиллашгандек бўлади. Зеро, музей кейинги вақтларда таъмирланиб, янги кўргазмалар билан бойитилди.

Суҳбат саёҳатимиз ана шу янгиликлар хусусида боради. Аввало, кўргазмадан ўрин олган янги санъат асарлари ҳақида мухтасар сўз юритсак. Шубҳасиз, музей хоналарига кўрк бағишлаб, адабиёт мухлислари диққатини ўзига тортаётган «Хамса» достонларига ишланган деворий расмлар ҳақида ҳикоя қилиш ўзимизга ҳам анча мароқли.

Бу йирик асарнинг муаллифи истеъдодли мўйқалам соҳиби Темур Саъдуллаевдир. Айтиш мумкинки, рассом бор маҳоратини ишга солиб, узоқ изланишлардан сўнг «Хамса» достонлари асосида алоҳида-алоҳида бешта лавҳадан иборат гўзал санъат асарлари яратишга муваффақ бўлди. Назаримизда, асар анча асосли ва жонли яратилган бўлиб, ўзига хос ранглардан кенг фойдаланганлиги боис томошабин қалбидан ўрин олади, деб ўйлаймиз.

«Ҳайрат ул-аброр», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабъаи сайёр», «Садди Искандарий» достонларининг ҳар бирига ишланган бу алоҳида лавҳалар кишини бефарқ қолдирмайди. Масалан, рассом «Ҳайрат ул-аброр» достонига лавҳа ишлашда «Ҳотам Тойи» ҳикоятини асос қилиб олган. Шу лавҳадаги ўтинчи чол, Ҳотам Тойи ва табиат кўринишлари маҳорат билан яратилганлиги сабаб, томошабин кўз олдида бутун бир ибратли воқеа, умуман, достондан келиб чиқадиган хулоса яққол намоён бўлади.

Бошқа достонларга ҳам, шу достонларнинг мазмунига ва руҳига мос тушувчи лавҳалар ишланганки, томошабин бу лавҳаларни кўргач, рассом шоирнинг қайси достони асосида расмлар чизганини ҳеч иккиланмай билиб олади. Умуман, бу санъат асари ҳақида кейинчалик алоҳида фикр юритамиз, деган ният бор.

Шу ўринда Ўзбекистон халқ рассоми Неъмат Қўзибоев мўйқаламига мансуб бўлган «Қуш тили» номли асар хусусида ҳам қисқача тўхталсак. Бир қараганда асар анча жўн яратилгандек туюлса-да, бироқ унда фойдаланиладиган ранглар ва деталларга синчковлик билан назар ташланса, у томошабинни ўйлашга, мушоҳада юритишга ундайди.

Асарнинг марказий қисмида анча кексайиб қолган Алишер Навоий сиймоси. У жиддий ижод оғушида. Атроф-борлиқ жаннат мисол гўзал бир чаманзорни эслатади. Бу ерда қушлар сайрамоқда. Қушлар нималар ҳақида сайрамоқда? Мана бу жумбоқ.

Маълумки, рассомни бу асарни яратишга ундаган нарса шоирнинг «Лисон ут-тайр» достонидир. Алишер Навоий бу достонни улуғ форс—тожик шоири Фариддин Атторнинг «Мантиқ ут-тайр» фалсафий асарига

МЕРОСИМИЗНИ ЎРГАНАМИЗ

жавобан ёзган. Бу асарни кичик Алишер мактабда ўқиб юрган давридаёқ ёд олган, китоб ёш Алишер онгига кучли таъсир кўрсатган эди.

Шу боис шоир умрининг охирларида (1499 й.) кишилик жамиятини яхши йўлга қўйиш ҳақидаги «Қуш тили» аллегорик достонини яратди. Рассом яратган асарда эса улуғ шоир ўзининг «Қуш тили» фалсафий достонини ёзаётган пайти матога муҳрланган.

Кўргазмада «Навоий қадамжолари» номли харита ҳам алоҳида кўзга ташланиб турибди. Бу харитада буюк даҳонинг умри давомида яшаган ва ижод этган шаҳарлари ўз аксини топган. Харита сўнгги вақтларда шоир ҳаётига оид тўпланган янги маълумотлар билан тўлдирилганлиги билан аҳамиятлидир.

Ойнаванд кўргазмаларга XV асрга тааллуқли ноёб миниатюралар, қўлёзмалардан нусхалар, ўқиш ва ёзиш учун фойдаланиладиган асбоблар ҳамда яқин кунларда нашр этилган янги номдаги китоблар қўйилган. Жумладан, «Алишер Навоий, Кўзимнинг мардуми» (1991) номли мўъжаз китобча шоирнинг 550 йиллиги арафасида мухлисларга яхши совға бўлди. Китобчани тузиб, унга сўзбоши ёзганлар С. Ҳасанов ва А. Шароповдир. Китобчага шоирнинг турли жанрдаги лирик асарларидан намуналар танлаб олинган. Уларда даҳо шоирнинг севги, инсонийлик, камтарлик, ҳақгўйлик ҳақидаги қарашлари ўз поэтик ифодасини топган. Шунингдек, бу ерда «Алишер Навоийга илтимосномалар» (1991 й.) номли китоб ҳам бор. Китобга шоирнинг номи билан боғлиқ бўлган айрим қўлёзмалардан лавҳалар киритилган. Шоирга замондош бўлган ижодкорларнинг дастхатлари, Навоий билан боғлиқ бўлган ўрта аср миниатюралари факсимиле кўринишларида берилган.

Китоб «Юнитех Интернешнл» Совет-Ҳиндистон қўшма норхонаси, «Юнитех Осиё» Халқаро илмий маркази, Ўзбекистон «Кибернетика» ИИБ ва Ўзбекистон ФА Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти томонидан нашрга тайёрланган. Китобдаги материалларни шарқшунослик институти тақдим қилган. Улар персонал компьютерлар ва сканер ускуналар ёрдамида янги информацион технологиялар асосида танланиб, қайта ишланган.

Айни пайтда, «Алишер Навоий. Ғазаллар. Шарҳлар». (1991 й.) китоби ҳам кўпчиликни бефарқ қолдирмаса керак. Чунки, Навоий шеъриятини тушуниш осон иш эмас. Шунга ёрдам бериш мақсадида чоп этилган ушбу тўпламда кўпчиликни ҳайратга солиб келаётган шоир қалами сеҳрини тушуниш, айрим ғазаллар шарҳи орқали амалга оширилган. Китобчага С. Ғаниева, Э. Воҳидов, Н. Комилов, Ж. Камол, М. Али ва бошқа ижодкорларнинг Навоий ғазалларига ёзган шарҳлари киритилган.

Бир сўз билан айтганда, Алишер Навоий ижоди битмас-туганмас хазинадир. Бу бой адабий мерос ҳамиша маънавий-маърифий аҳамиятини сақлаб қолиши шубҳасиздир.

Баҳодир ВАЛИЕВ,
Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейи бўлими бошлиғи.

ФАНГА ТАЯНИБ, ЭРКИНЛИК АСОСИДА

Яқинда Ўзбекистон геология хизмати ташкил этилганига 65 йил тўлди. Бу сана жумҳуриятимиз ҳаётида туб ўзгаришлар юз бераётган вақтга тўғри келди. Кейинги бир неча йил давомида рўй берган иқтисодий танглик давлат бюджети қарамоғида бўлган бу соҳага ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатди. Нарх-навонинг кескин ошиши натижасида харажатлар кўпайиб, ажратилган маблағлар етарли бўлмай қолмоқда.

Масалан, нефть ва газ конларини геофизик усуллар билан қидиришга ихтисослашган «Ўзбекгеофизика» бирлашмаси ишини замонавий асбоб-ускуналар, электрон ҳисоблаш машиналарисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Агар бу соҳага эътибор шундай бўладиган бўлса яқин бир икки йил ичида мавжуд асбоб-ускуна ва электрон ҳисоблаш машиналаримиз ишдан чиқиши ва қидирув ишлари тўхтаб қолиши ҳавфи бор. Ваҳоланки, кейинги ўттиз йил ичида Ўзбекистонда очилган нефть ва газ конлари бизнинг мутахассисларимизнинг тавсиялари асосида топилган. Албатта биз ҳам давлат бюджетига қараб турмасдан қўшимча маблағ топишга ҳаракат қилмоқдамиз. Бунинг учун табиий бойлик чиқиши мумкин бўлган қатламларни мукаммал ўрганиб, пармалаш ва конни қазиб олишнинг камчиқим усулларини топишга интиляпмиз. Бу маълумотлар жумҳуриятимиздаги конларни қазиб олувчи ташкилотларда катта қизиқиш уйғотмоқда ва улар бундай маълумотларни сотиб олиш истакларини билдирмоқдалар.

Туркманистонлик геологлар ҳам ўз жумҳуриятининг бизга чегарадош районларида шундай ишларни бажариб бериш таклифлари билан чиқишмоқда. Бундан ташқари 1991 йилда бизнинг мутахассислар Франция, Англия, АҚШга бориб, йирик нефть ва газ компанияларини бизда олиб борилаётган ишларнинг бир қисми билан таништириб қайтишди. Ушбу маълумотлар кўпгина компаниялар маъмуриятида катта қизиқиш уйғотди. Шу кунгача бир қанча фирмаларнинг иқтисодчи мутахассислари корхонамизга келиб молиявий аҳвол билан танишишди. Кўплаб фирмалар геофизик-мутахассислари ҳамкорликда ишлаш истакларини билдиришмоқда.

Чет эл фирмаларининг бизнинг ишимизга бўлган қизиқиши, амалда жумҳуриятимиз ривожланиши учун зарур бўлган валюта жамғармаларини вужудга келтириш имконини беради. Албатта бу алоқаларни йўлга қўйиш ва мустаҳкамлаш учун ҳали кўп иш қилиниши керак. Шулардан энг асосийси — давлат органлари томонидан зудлик билан шундай алоқаларни ўрнатишга рухсат берувчи қонунлар ишлаб чиқилиши зарур бўлади.

Яна бир муаммо шундан иборатки, жумҳурият бюджетидан ажратиладиган маблағлар асосан катта-катта нефть ва газ конларини қазиб олишга сарфланмоқда. Бунинг натижасида бир неча районлар қишлоқларини табиий газ билан таъминлаши мумкин бўлган кичик-кичик конлар эътибордан четда қолиб кетмоқда. Бундай конлардан унумли фойдаланиш йўлларини топиш пайти келди, деб ҳисоблайман.

Маълумки, молиявий соҳада вилоятларга катта эркинликлар берилган. Агар вилоятларда бюджетнинг муайян қисмини шу ишларга жалб қилиш имкони яратилса айни муддао бўлар эди. Бирлашмамиз мутахассислари эса ана шу кичик конлар ҳақидаги маълумотларни тайёрлаб бериш имконига эга, албатта.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ижтимоий масалаларни ҳал этиш давлат учун оғирлик қиларди. Шу сабабли ҳокимият органлари бизнинг бирлашма сингари давлат бюджети қарамоғидаги ташкилотларга маълум иқтисодий эркинликлар яратиб берса кўп муаммолар ҳал этилган бўлур эди.

Эркин УСМОНОВ,
«Ўзбекгеофизика» бирлашмаси геолог-методик партиясининг бош муҳандиси.



● **Акмал Икромов ноҳиясидаги марказий машиний-хизмат кўрсатиш уйининг радио-телевизор тузатиш устахонаси хизматидан аҳоли мамнун бўлмоқда. Турли эҳтиёт қисмлар тақчил бўлган шу кунларда Анвар Акромов бошчилик қилаётган бригада аъзолари барча имкониятларни қидириб топишмоқда, мижозлар ҳожатини иложи борича қаноатлантиришга ҳаракат қилишмоқда. СУРАТДА: устахонанинг тажрибали ишчиларидан Ботир Юсупов.**

Суратқаш Х. МИРЗАКАРИМОВ.

ҚИШЛОҚ ДУРАДГОРЛАРИ

КАРИМЖОННИНГ асли касби ҳайдовчилик. Бу замонавий касб унга ота мерос бўлмаса ҳам яқин йигирма йилдан бери шу соҳада ишлаб келмоқда. Шу давр мобайнида қанчаданқанча халқ хўжалик юкларини белгиланган манзилларга етказиб берди.

Ҳалол меҳнат фидойиси бўлган бу йигит дўстлари орасида уста Карим номи билан ҳам обрў орттирган. Уни каттаю кичик ҳамма бирдай «уста» деб ҳурмат қилади. Сабаби ҳайдовчилик каби дурадгорлик касбининг моҳир устаси бўлиб, халқ миллий амалий ҳунармандчилигининг бу турини ҳам пухта эгаллаб олган. У боболар эъзозлаб ардоқлаган дурадгорлик касбининг соҳиби ҳисобланади. Бу нодир касб унга бобоси уста Собир отадан мерос бўлиб қолган. Салкам юз ёшни қоралаб ҳаётдан кўз юмган уста Собир Алиев эл ардоқлаган уста дурадгор ва тажрибали деҳқон ҳам эди. Набираси ҳам миллий санъатнинг ёғоч ўймакорлиги, ёғоч билан ишлашнинг ўзига хос сир-асрорларини эгаллаб олган. Собир ота доимо набираси Каримжонни ўзи билан эргаштириб олиб юрар, амалий ҳунарини сидқидилдан ўргатар, раҳнамолик қилар эди. Шу-шу ёшлигидан меҳнатда тобланган Каримжон эндиликда бобосидан ўрганган ҳунари билан қишлоқдагиларнинг иморатларини қуриб беришга баҳоли қудрат ёрдам бермоқда.

Халқимизнинг асрий орзулари ушалиб, ўз ерига, ўз бойлигига ўзи эга бўлди. Энг муҳими ҳовли-жойлар кўплаб бериляпти. бундай ерларда янги турар-жой бинолари қад кўтармоқда. Каримжон сингари халқ усталарининг иши, ташвиши ҳар қачонгидан ортиб бораётир. Каримжоннинг иши пишиқ, шу боис қишлоқда унинг меҳнатига талабгорлари кўп. Ишдан бўш вақтларида янги уйлар қураяпти, уларда дурадгорлик, том устини ёпиш ишларини олиб бораяпти. Доно халқимиз ҳунардан унар, деб бежиз айтмаган. Ҳунармандчиликдан бохабар кишилар ҳеч қачон хор ҳам, кам ҳам бўлмайдилар. Каримжон Собировнинг фаолияти бунга ёрқин мисолдир. У отабоболар ардоқлаб келган халқ ҳунарларини авлоддан авлодга эҳтувчи инсон сифатида ҳам эъзозга лойиқдир.

Нодир касб эгасининг олижаноблиги, инсонпарварлиги, одамийлик фазилатлари учун унга шогирдликка тушишни истаганлар ҳам бор. «Тез ёрдам» машинасининг ҳайдовчиси Жўра Юсупов ва Тожиқул Ҳасановлар ҳам дурадгорлик касбини устоздан ўрганишганидан хурсанд бўлишяпти. Улар ҳам халқ хизматига бел боғлаганлар. Ўз меҳнатлари билан ҳамқишлоқларининг оғирини енгил қилишяпти. Якка тартибда уй қураётганларга кўмаклашишяпти. Бу уларга завқшавқ бағишламоқда.

Н. ИСМАТОВ.

ИЛҒОРЛАРГА МУКОФОТЛАР

Бир корхонанинг ўзида кўп йил ишлаб, иззат-икромга сазовор бўлишга нима етсин! Тошкент чинни заводида бундай фидойи фахрий ишчи-хизматчилар талайгина.

Корхона маъмурияти ва касаба уюшмаси заводга меҳнати кўп синган илғорларни ҳам моддий, ҳам маънавий томондан тақдирлаш борасида тадбиркорлик билан иш юритиб келмоқда. Корхонада яхши анъаналарнинг қарор топиши ҳам ана шундан. Кейинги вақтда заводда кўп йиллик меҳнат стажига эга бўлган чиннисозларни вақти-вақти билан мукофотлаб туришга эътибор кучайди. Яқинда бир гуруҳ меҳнат илғорларига тантанали равишда «Тонг» чинни сервизи совға сифатида топширилди. Корхонада йигирма йилдан бери ишлаб келаётган меҳнатсевар чиннисозларга ташаккурнома эълон қилинди.

С. ОДИЛОВА.

МУАЛЛИМ ЎИЛАРИ

ШАРҚОНА ДАСТУРЛАР КЕРАК!

Маълумки, 1991 йили халқимиз тарихида унутилмас йиллардан бири бўлди. Республикамизнинг тўла мустақилликка эришганлиги ва унга Алишер Навоий йилининг ҳамоҳанг бўлиб кетганини айтмайсизми! Шу баҳона маънавият дурдоналари халқимизга қайтиб, тарихий ривоялар холис таржима қилинаётганлиги ҳам айни муддао бўлмоқда. Энди улуғларимиз эъзозини фақат юбилейларда ёки оммавий «ура-ура»лар туфайли ёд олишимиз эмас, балки кундалик турмушимиз одоб-ахлоқимизда намоён қилишимиз лозим. Бундай қадриятлар шууримизга сингиб кетмоги, таълим-тарбиямизнинг моҳиятига боғланиб бориши зарур. Ҳозир кўпгина янги ўқув адабиётлари яратилмоқда. «Одобнома» дастури нашр этилмоқда. Ана шу дастурларда ҳамма қадриятларимизни қамраши миз, уларга холис назарли бўлишимиз замон талаби. Ҳозир мумтоз адабиётимиз вакилларининг асарларини шарҳлаш, насрий баёнини бериш одат тусига кирмоқда. Буни фақат қўллаб-қувватлаш керак. Сабаби, ҳозирги ёш авлод учун содда тилда изоҳланган тарихий асарлар, уларни ўқув дастурларига киритиб юборишга имкон беради. Менимча, қадриятга оид барча адабиётларни мутахассислар шарҳлаб, илмий талқин берсалар ёмон бўлмайди. Айниқса, Алишер Навоий асарларининг баёни мактаб учун, янги «Одобнома» дастурлари учун жуда асқотади. «Лисон ут-тайр», «Ҳайрат ул-аброр» ва бошқа асарларни биз рўзномада кўп ташвиқот қилдик. Улуғ бобомизнинг таълим-

тарбиявий мавзудаги яна бир ажойиб асари — «Арбаин ҳадис» номи билан машҳурдир. Яқинда ушбу асарни «Ёзувчи» нашриёти Қобил Аҳад, Аллоберди Маҳмуд шарҳида босмадан чиқарди. Бу асарни кўпчилик орзиқиб кутган эди. Менга муаллим сифатида ҳадисларнинг асл таржимаси ва унга берилган содда шарҳлар жуда ёқди. АРБАИН — арабча «қирқ», «қирқлик» демакдир. Ана шу ноёб қирқ ҳадисни Алишер Навоийнинг ўлмас мероси сифатида юқорида тилга олинган шарҳчилар муаллифлигида ўрта мактабга дарслик сифатида киритишни таклиф қиламан. Бу билан биз Шарқ халқлари одатларидан қирқлик тушунчаси ва ҳадисларни халқ ўртасида тарғиб қилишдек хайрли ишга қўл урган бўлар эдик. Жаноби Расулуллоҳнинг: **«Кимки умматалримга дин хусусидаги қирқ ҳадисни етказса, тангри таоло уни қиёмат кунида фиқҳ билимдонлари, олимлар сафига қўшади»**, деган ҳадис шарифларини эсдан чиқармаслигимиз лозим. Агар биз «Арбаин ҳадис»ни мактабда қўллай бошласак, ўқувчилар ўртасида ўзаро биродарлик, меҳр-муҳаббат, раҳм-шафқат, саҳоват каби инсоний фазилатлар билан бирга, инсонда бўладиган баъзи бемаъни иллатлар — мол-дунё ҳирсини қораловчи ҳадисларни Навоий тўртликлари орқали ўқувчиларга осонликча тушунтириш бахтига муяссар бўлар эдик.

Сўзимга бир далил сифатида ушбу китобдаги ўн саккизинчи ҳадисни тўла ҳолда келтирмоқчиман:

«Намус — сабиҳати ямнаур — ризқа».

Таржимаси «Ёрталабки уйқу ризқни қирқади».

Субҳ уйқусидин улки айлар ғарк,
Ризқу рўзин ўзига тўш кўргай.
Улки ғафлатдин этти навми сабуҳ,
Бу шарафни магарки туш кўргай.

Ҳадис аввало эрта тонгда туришнинг инсон учун ҳосияти ва фойдалигини тарғиб қилади. Умуман, мусулмон аҳли учун эрталаб, қуёш чиқмасдан ўринданг туриш одат тусига кирган, бомдод намози бунда яхши восита ҳисобланган. Ҳожа Аҳмад Яссавийнинг ушбу мисраларига эътибор беринг:

Бедор бўлгин, эй мўъмин,
Саҳар вақти ичида
Қутқар ўзингни ўтдан,
Саҳар вақти ичида.

Эрта тонгда уйғониш, мусаффо ҳаво бағрида юриш, ижод қилиш кўпчилик шоир ва ёзувчиларимизнинг одати эканлиги ҳам маълум. Шундай ривоятлар ҳам мавжудки, қуёш чиқмасдан олдин, ўриндан туриб, меҳнат қилишга ўрганган кишиларнинг ризқ-рўзи доимо фаровон, фузун ва бахтли бўлади ва аксинча, қуёш чиққанда ҳам ухлаб, ғафлатда ётганларнинг ризқ-рўзи кесилади, ёки улар, аччиқ тил билан айтилганда, ўликлар қаторига қўшилади. Яна шундай бир нақлда саҳар туриш ризқ-рўзнинг фаровон бўлишига ва бевақт ажалдан сақланишга кафолат экани таъкидланган.

Китобдаги барча қирқта ҳадис шу услубда баён қилинади. Менимча, ҳозирги замон тилидаги таржима ниҳоятда содда ва яна бизни қувонтиргани шу бўлдики, мактаб ўқувчиси тилига мос эканлигидир. Тан олиш керакки, узоқ йиллар сўфизм руҳидаги асарлар мактабга йўлатилмади. Алишер Навоий асарлари илоҳий нуқтаи назардан шарҳланмади. Ваҳоланки, бундай асарлар болалар тарбияси йўлида зарур дастур бўлар эди. Халқнинг қадриятимиз жавоҳирларидан бебаҳра қолгани оқибатида миллий тарбия издан чиқди. Энди миллий мактаб қуришга кенг йўл очилганда, ҳалиям эскича «ҳадиксиралар» гирдобига учраганлар мактабларимизга ушбу китобларни олиб кира олмаяптилар.

Бизда: «Одобнома» фанини қандай ташкил қиламиз, унинг услуби ҳали йўқ-ку», — ёки: «Ўқув китоби йўқ» каби важ-карсон гапларнинг бўлиши мумкин эмас. Шарқ мамлакатлари мадрасаларида оилавий, тарбияга оид қўлланмалар етарлича мавжуд. Фақат гап ундан усталик билан фойдаланиб, терма усулда турли ёшга мўлжаллаб китоб ёзиш, уни ҳозирги мактабга мослаштиришда қолди, холос.

Бахтиёр КАРИМОВ,
олий тонфали муаллим.

● *Олий мактаб янгиликлари*

«СССР ТАРИХИ» ЎҚИТИЛАДИМИ?

Талабалар ва мактаб ўқувчилари неча ўн йиллар мобайнида СССР тарихини ўқиб, ўрганиб келишди. Декабрь ойида СССРнинг йилномаси ниҳоясига етди. Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги — МДҲ дунёга келди. Хўш, энди СССР тарихи фани ўқитиладими? Бу саволга Тошкент давлат дорилфунуни тарих факультетининг декани, тарих фанлари доктори А. С. САЪДУЛЛАЕВ жавоб беради.

— СССР тарихи дарси сиёсий ўзгаришлардан қатъий назар, анчадан бери жиддий ўзгартишларни талаб қиларди, деб таъкидлади Анатолий Саъдуллаевич. — Дарсликларда Болтиқбўйи, Кавказ орти, Қозоғистон, Ўрта Осиё халқлари тарихи, шунингдек Россиядаги кўпгина халқлар тарихи жуда қисқа баён этилган.

Бирор халқни, биз хоҳ кичик, хоҳ кам сонли деб атамайлик уни ўз тарихи ва маданиятидан маҳрум этиш мумкин эмас. Ҳозирги барча халқларнинг авлод-аждодлари тараққиёт даврини ҳам, инқирозни ҳам, қудратли давлатни ҳам ва ҳар қандай тангликларни ҳам бошидан кечирган.

Тошкент давлат дорилфунунининг тарих факультетида СССР тарихи уч йил мобайнида ўргатиларди. Унинг кўпгина бўлимлари — айниқса XIX—XX асрлар тарихи Ўзбекистон тарихи ва КПСС тарихи дарсларида такрорланарди.

Тошкент давлат дорилфунунининг илмий кенгашида янги дарс — Европа-Осиё халқлари тарихидан лекциялар ўқиш зарурлиги тўғрисидаги масала қўйилди. СССР тарихи кафедрасининг номи ҳам шунга биноан ўзгаради. Бу янги дарс эканини — Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги тузилишига алоқаси йўқлигини таъкидламоқчиман. Янги дарс СССР тарихидан фарқли ўлароқ, икки йил ўтилади.

Шуни айтиш керакки, жуда улкан Европа — Осиё макони минг йиллар мобайнида доимий иқтисодий, маданий алоқалар минтақаси, ўзаро таъсир минтақаси бўлиб келган. Бу ҳудудларда маданият ниҳоятда ривожланган эди. Европа-Осиёдаги энг қадимий давлатлар, қадимий славянлар ва турклар, Волга булғорлари, Қизил Ўрда, Энасой қирғизлари, Ўрта Осиё сингари мавзулар ҳамда ҳозирги пайтда талабалар ва ўқувчилар жуда кам биладиган тарихга тааллуқли кўплаб масалалар ҳар томонлама ўрганилиши зарур бўлиб қолди.

Демак, СССР тарихи Совет Иттифоқи сингари тарих бўлиб қолар эканда?

—СССРда яшаётган барча халқлар 1917 йилдан 1991 йилгача бўлган даврни ўз бошларидан кечирдилар. Буни унутиш мумкин эмас. СССР тарихини, айниқса, кейинги ўн йилликлар тарихини ўрганиш зарур, лекин уни бутунлай қоралаб ташлаш керак эмас. Тўғри, сталинизм, қамоқ лагерлари, 70-йиллар «ривожланган социализм» даврини кечирдик... Айни шу даврда Туркистонда биринчи дорилфунун очилганини, иқтисодиёт, халқ таълими, соғлиқни сақлаш соҳаларида шубҳасиз силжишлар рўй берганини ҳам унутмаслик керак. Германия фашизми устидан қозонилган ғалабани эслайлик. Собиқ СССР билан халқаро майдонда ҳали ҳам ҳисоблашаётганликлари бежиз эмас-ку, ахир.

Ким нима деса деяверсин, лекин СССРнинг мавжудлиги доимий беллашув, шафқатсиз ғоявий рақобат ва ҳатто омон қолиш учун олиб борилган тўғридан-тўғри кураш асосида Ғарбнинг ривожланиши учун кучли туртки бўлди.

Советлар мамлакати тарихидаги ҳар қандай, хоҳ ижобий бўлсин, хоҳ салбий тажриба муҳимлиги сабабли ҳам уни ўрганишимиз керак. Мен собиқ СССРдаги барча давлатлар иқтисодий ва сиёсий тангликнинг бартараф этишларига, ғуллаб-яшнашларига ишонаман. Биз бунга бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишимиз керак. Хаталарни такрорламаслик учун ўтмиш сабоқларини диққат билан ўрганишимиз лозим.

В. ҲАБИБУЛЛАЕВА,
ЎзТАГ мухбири.

ҲАМДЎСТЛИК ДАВЛАТЛАРИДА

ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

ТОЖИКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ФАОЛИЯТИНИ ДАВОМ ЭТТИРАДИ

Душанбеда Тожикистон Компартиясининг навбатдан ташқари XXII қурултойининг якунловчи босқичи бўлиб ўтди, — деб ҳабар беради «Известия» рўзномаси. — Қурултой қарорига кўра партия ўзининг коммунистик номини сақлаб қолди. Қабул қилинган Дастур ва Низомда Тожикистон коммунистлар партиясининг Маркс, Энгельс, Ленин инқилобий таълимотига, ҳозирги замон тафаккури, шу жумладан Шарқ донишмандлари фикрлари билан бойитилган социалистик ғояларга содиқлиги тўғрисида гапирилади.

ЯНГИ МАДҲИЯ

Украина ҳудудида 16 январдан янги давлат Мадҳияси (Гимни) ижро қилина бошланди. Бу Мадҳия 1861 йилдаёқ композитор М. Вербицкий томонидан шоир П. Чубинский шеърига ёзилган эди. Лекин узоқ вақт таъқиқланиб келинганди. Чунки чор ҳукумати унда миллатчилик белгиларини кўрган эди.

«Вести» телевизион ахбороти хабарига кўра махсус комиссия Россия Мадҳиясининг энг яхши матни учун танловнинг дастлабки давраси якунларини чиқара олмади. Таклиф қилинган муқобиллардан бирортаси бундан кейинги муҳокамага қабул қилиниши мумкин эмас. Комиссия, чамаси, танловни тўхтатса керак ва Мадҳия ҳозирча сўзсиз ижро этилиб туради.

ҲИСОБ ҚЎМИТАСИ МАЪЛУМОТИ

Собиқ Иттифоқ Давлат ҳисоб қўмитасининг маълум қилишича, ўтган йили Ҳамдўстлик мамлакатларида ғалланинг нобуд бўлиши етиштирилган ҳосилнинг учдан бир қисмини ташкил этган. 7 миллион гектар майдондан ғалла умуман йиғиштириб олинмаган.

ТАССНИ ЁҚЛАБ

14 та мустақил давлат ахборот агентликлари вакилларининг учрашуви қатнашчилари собиқ СССР ҳудудида ягона ахборий макон сақланиб қолиши учун ТАСС имкониятларидан самарали фойдаланишни ёқлаб чиқдилар. Буларга Озарбайжон республикаси, Арманистон, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Россия Федерацияси, Грузия республикаси, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон, Украина, Литва ва Эстония республикаси ахборот агентликлари киради.

Г. БУРБУЛИС ДЕЙДИКИ...

Россия бош вазирининг биринчи ўринбосари Г. Бурбулис 16 январь куни матбуот конференциясида Россияда пул ислоҳоти бўлиши мумкинми, деган саволга жавоб қайтариб, бу нарса умуман яқин бир ярим ой ичида содир бўлмайди, деб айтди.

— Мутлақо тўғрисини айтаман, — деди у, — ҳозир бизнинг дастуримизда ўз валютамизни жорий қилиш тўғрисида кўрсатма йўқ. Лекин биз шундай дейиш билан бирга айни вақтда энг ёмонига тайёрланмасак, ислоҳотчилар сифатида қаёққа борардик.

БАЛҚАРЛАР ҚУРУЛТОЙИ

НАЛЬЧИК шаҳрида балқар халқининг қурултойи бўлиб ўтди. Унда Балқаристон Республикасини эълон қилиш тўғрисида декларация қабул қилинди. Кейин балқарлар орасида референдум ўтказилди. Референдум кун тартибига «Россия федерациясини ташкил этувчи субъект сифатида балқар халқи ва Балқаристон республикаси миллий мустақиллиги эълон қилинишини қўллаб-қувватлайсизми?» — деган масала қўйилган эди. Бу саволга сўровда қатнашганларнинг 94,8 фоизи «Ҳа» деб жавоб берди.

(МАТБУОТ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЕРЛАНДИ).

ҲАМДЎСТЛИК ДАВЛАТЛАРИДА

«ҚОРАСУВ» ГУЛЛАРИ



● Калинин ноҳиясидаги Қорасув давлат хўжалиги айни шу кунларда шаҳарликларга ҳар куни минглаб гуллар жўнатмоқда. СУРАТЛАРДА: гулхонанинг ишчан ишчиларидан Хуршида Саримсоқова (ўнгда) хўжалик теплицасида;

Б. АЛИМОВ суратлари.

БИР ПИЁЛА ЧОЙ УСТИДА

Сизга талаба бўлиш бахти насиб этганми? «Ҳа» бўлса, демак сиз талаба бўлиш машаққати нима эканлигини ҳам яхши тушунсангиз керак. Эртаю-кеч «бош қотириб» дарс тайёрлаш ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Аммо ҳозирги талаба зиммасига иқтисодий танглик даврида ўзга шаҳарларда яшай билиш, етишмовчиликлар, тақчилликлар, кундалик ўзгаришларга кўникиб бориш ва қатор муаммоларни енгиб ўтишдек бир қанча «Шарт»лар ҳам «юклатилган». Талаба бўлишликнинг бундай масъулиятлари ёшлар ҳаётида қандай акс этяпти?

Ана шу саволга жавоб топиш, талабалар кўнглини кўтариш, зарур ёрдам кўрсатиш мақсадида Оққўрғон ноҳияси раҳбарлари учрашув кечаси уюштирдилар. Турли олий ва ўрта ўқув юртларида таҳсил олаётган 800 нафар талаба тўкин дастурхон атрофида дилдан суҳбат қуришга чорланди. Учрашувда сўзга чиққан халқ депутатлари ноҳия Кенгаши раиси Нодир Бердиқулов, Халқ Демократик партияси ноҳия Кенгаши котиби Абдуҳошим Қосимов, меҳнат фахрийси Саодат Йўлдошева, Ёшлар Иттифоқи ноҳия қўмитаси котиби Мақсуд Худойбоқов ва бошқалар келажак ана шу талаба ёшларга, уларнинг билимларига, истеъдодларга боғлиқ эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Моддий ёрдам сифатида ҳар бир толибга 150 сўмдан пул берилди. Оққўрғонлик ёш ҳаваскорлардан тузилган «Наврўзи Ажам» дастаси эса ўзининг дилрабо куй, қўшиқлари билан учрашувга файз киритди.

«Оққўрғон овози» рўзномасининг шу кунги сони ҳам талабалар учрашувига бағишланди. Унинг саҳифаларидан ёшларнинг дил сўзлари, истаклари, орзулари битилган мактублар ўрин олди.

Малика БАКИРОВА.

● НУҚТАИ НАЗАР

«ТАШНАИ ДИЙДОРЛАР БИЛУР...»

МУАЛЛИФДАН:

«Қадим-қадимдан Шарқда турли мавзуларда ибратли НОМАлар битиш анъана бўлган: «Хираднома», «Шоҳнома», «Рушнойинома», «Қобуснома», «Муҳаббатнома», «Зафарнома», «Фироқнома» ...Ва фахр билан айтиш керакки, бундай тарихий асарларнинг салмоқли қисми туркий халқлар орасидан етишиб чиққан атоқли қаламкашлар ҳиссасига тўғри келади.

...Лекин минг афсуски, тарихимиз қадриятимизга нисбатан юргизиб келинган нотўғри сиёсат бизни аждодларимиз удумидан, улар томонидан яратилган бебаҳо умумлашманинг ажралмас бўлаги бўлмиш НОМАлардан ажратиб ташлади. Ҳатто шу даражага бориб қолдикки, нафақат номалар битиш, балки Шарқона шеъриятнинг тождори ҳисобланган «АРУЗ» вазнида қалам тебрата оладиган шоирларимизни бармоқ билан санаш мумкин бўлиб қолди!.. НОМАлар ўрнини турли «ИЗМ»лар эгаллади.

Минг шукурки, бугун ўзлигимизни таниш учун эсҳушимизни, паришон ўйларимизни, парчаланган дунёқарашимизни бир ерга тўплаш зарурлигини англаб етмоқдамиз. Ишончим комилки, ҳали «Хамса»ю, «Темурнома», «Туркистоннома», «Туроннома», «Зафарнома», «Туркийнома» каби мавзуларда асарлар яратиш иқтидорига эга қаламкашларимиз бор ва яна ўсиб унмоқдалар. Ишончим комилки, тарихимизда бўлгани каби «Шуаро мактаби», «Носирлик таълими» каби ҳақиқий ижодий давралар вужудга келажак. Аруз илми, тарихнавислик таълимоти алоҳида фан сифатида талқин қилинажак. Ва яна ишонаманки, қадимий қўлёзмаларимиз қаторида, вақт келиб XX—XXI асрлардаги ўзбек адабиёти намоёндалари яратган асарлар жаҳон маърифатхоналарида хорижликлар томонидан ҳурмат билан алоҳида ўрганилажак.

Шу кунгача баҳоли қудрат аждодлар анъаналарига ҳусни ният билан меҳр қўйиб, бир нечта «Муҳаббатнома» битдим ва эълон қилдим. Тўғри, менинг машқларим қадимий НОМАлардек мукаммал эмасдир. Ироқ энг муҳими, менинг назаримда, уларда сиёсий руҳдаги сатрларнинг йўқлигидир. Шу билан бирга муқаддас туйғу ва ўткинчи ҳавас ўртасидаги фарқни оз бўлсада, шарҳлаб берилганидир. Ва яна айнан шу «Муҳаббатнома» битикларим орқали бир қанча ёшлар билан танишиб, уларнинг ўй-хоҳишлари, ҳатто армонлари хусусида бўлишганлигим, фикрлашганлигимдир. Айнан шу танишув ва суҳбатлар мени шу мавзуга яна бир бор қайтишга ундади...

* * *

Алломалардан Бузург-меҳр шундай деган экан: «Муҳаббат қизиқ нарса: ким сени севса, ундан ўзингни йироқ тутасан, сени севмаган кишига муҳаббат боғлайсан».

Бу фикр юзлаб йиллар аввал айтилган. Ироқ аминманки, алломанинг ҳақлигига бугун ҳам шубҳа билдира олиш мушкул.

«Минг бир кеча» ҳикоятларини, ҳар гал ўқиганимда, улар таъсирида узоқ вақт жойимдан жилолмай қолар эдим. Эътибор беринг-а, мен ҲИКОЯТЛАРИНИ деяпман, ЭРТАКЛАРИ деганим йўқ. Менинг назаримда, улар эртак эмас, балки айни ҳаётдан олиниб, ҳеч бир бўёқ ва изоҳсиз китобга жо этилган воқеалардир. Фақат уларни қандай талқин қилиш ҳар кимнинг ўз дунёқарашига ҳавола...

Ҳажри жонон нелигин ташнаи дийдорлар билур,
Чашман чашмида сув ўрнига хунборлар билур.
Жон беришлик роҳати ошиқ учун ҳеч сир эмас,
Жон олишлик лаззатин маъшуқи дилдорлар билур.
Дард билмас бу парирўй табибдан дод, малҳами сўз—
Ўрнига киприк тийғи-ла қилмоқ озорлар билур.
Неча этдим арзи ҳол етмас табибим додима,
Бор масалким: «Аҳли дардни аҳли беморлар билур!»
Билмасун деб эл-улус оҳимиҳ кундуз ютгамен,
Тунлари аҳволими ўзумтек бедорлар билур.
Шеър-ла малҳам ездама, Туронда шоир кўплигин
Сен каби, эй Дилмурод, девони хор хорлар билур...

I

«МИНГ БИР КЕЧА!»

Бу бир бор вафосизлик заҳрини тотган ва аламзода бўлган шоҳга минг битта оқшом давомида сўйланган ҳикоятлар мажмуи. Албатта, зоҳирон қаралсагина шундай. Аммо чуқурроқ фикр юритилса-чи? ҲАЁТ билан АЖАЛ ўртасидаги фалсафий кураш. Бу курашга сабаб АЛДАНГАН МУҲАББАТ! АЖАЛнинг лашкари кўп: умидсизлик, интиқом ҳисси, ғазаб ва... қилич! ҲАЁТнинг лашкари эса битта — ФАСОҲАТ! Биргина фасоҳат одамлар ўртасида ишончини ноҳақ йўқотган МУҲАББАТни асраб қолиши мумкин. Ва Тангри таоло Фасоҳатни дилбар аёл қиёфасида инсоният ҳузурига йўллайди. Бу — ШАҲРИЗОДА! Унинг исмидаги «ЗОДА» сўзиёқ туғилиш маъносини англатади. Хулоса қилинадиган бўлса, ТУҒИЛИШ, ЯРАЛИШ бор жойда асло ҲАЁТ тўхтамайди. Агар таъбир жоиз эса, бу дунёда ҳаммамизнинг ўз Шаҳризодамиз мавжуд. Фақат уни тинглай олсак бас.

Мен сенинг ноздн нигоҳингда нажотни кўргамен,
Сўзларинг тинглаб, ғамим енгар саботни кўргамен.
Гар фироқ қийнаб мени этса ажалга рўбарў,
Бир нафас кўз юмгамен: рўйинг-ҳаётни кўргамен.
Ҳар гўзаллик шаклида, дерларки, Аллоҳ нури бор,
Мен сенга кўз ташласам ул олизотни кўргамен.
Чашми Зуҳро, рўйи моҳтоб, қадди Тўбй, насли ҳур,
Эй, ки мен сенга қараб бор коннотни кўргамен.
Ишқни тараннум этиш кўнгул муродимдир маним,
Ки, сени васф айлаганда Дил муродни кўргамен.

II

ЎЗБЕК шоираси ва давлат арбоби Моҳларойим — НОДИРАБЕГИМ ҳақида сўз кетганда аҳли шеър, аҳли илм ул маликан оқилага «Муҳаббат шевасида ошкора қуйлаган шоира» деб таъриф айтадилар. Мен Нодирабегим куллиётини варақлаб бу таъриф нақадар аниқ ва ҳаққоний эканига имон келтирдим. Шоиранинг ҳоҳ ўзбекча, ҳоҳ форсийда битилган мисралари бўлсин, ҳар бирида Муҳаббат энг етакчи мавзу эканини кўриш мумкин. Хўш, мен нега айни шу дамда Нодирабегим шеъриятини эслаб қолдим? Бу бежиз эмас, албатта. Янги турмуш қураётган ёшларимизга маломат ёғдиришдан йироқдаман. Аммо никоҳ тўйларига борган кап-катта одамлар ҳам тўйдан қайтгач, келин ва куёвнинг таърифи бир четда қолиб, дастурхондаги қази-карта, ароқ-коньяк, хизмат қилган номдор санъаткорлару, дасталаб сочилган пуллар ҳақида оғиз кўпиртириб гапирадиган бўлиб қолишганлиги сир эмас. Яна куёвнинг отаси қандай мансабда эканию, келиннинг амакилари қайси омбор мудирлигини ҳам алоҳида, қайта-қайта сўзлашдан эринмайдилар. Ҳой яхшилар! Турмуш қураётган икки ёш ҳақида ҳам гапирайлик. Улар бир ёстиққа нима туфайли бош қўймоқдалар? Ахир, «севги-севгингни билмайман, фалончи каттакондан келган совчиларга ваъда қилиб қўйдим. Ув, нодон, ўшанга тегсанг еганинг олдингда, емаганинг ортингда бўлади» деювчилар камми?! Яна «наҳотки, биз сенга ёмонликни соғинсак? Ахир, фарзандимизсан, бахтли яшашингни истаймиз-да!» деб қўшиб қўядилар ҳам. Ҳа, БАХТ деганда ялтироқ зебзийнату даста-даста пулни тушунувчилар оз эмас.

Шундай тушунчали одамларни учратганимда, Нодирабегим ғазалларини кўзимга суртиб, қайта-қайта ўқигим келаверади. Кел, азиз юртдошим! Сенга ҳам ҳассос шоира ижодидан бир неча байт ўқийин:

Кўнгул жонидину жон қолди жонони жаҳондин ҳам,
Кўнгулдин жона етдим, ғам тунида балки жондин ҳам.
Тилармен юз биёбон қатъини қилсам қуюн янглиг,
Ки ўтқайман висолни истабон кавну[1] макондин ҳам...
Агар ҳижрон элина ёр васли бўлмаса ҳосил,
На ҳосил ҳонумондин, балки умри жовидондин ҳам[2]
Анинг ҳижронида қон йиғламоқдин хуш бўлур ҳолим,
Айирма, эй фалак, бир лаҳза чашми хунфишондин[3] ҳам...
Бўлубман, Нодира, ул сарви гулрухсордин айру,
Кўнгул қондур ҳавон боғу сайри бўстондин ҳам[4]

Дилмурод САИДОВ.

1. Кавн—жой.
2. Байтнинг мазмуни: агар айриликдаги кишига ёрининг висоли насиб бўлмаса, у (ошиққа) мол-дунёгина эмас, ҳатто боқий умрнинг ҳам кераги бўлмайди.
3. Чашми хунфишон — ёш ўрнига қон оқизувчи кўз.
4. Байтнинг мазмуни: Нодира, гулюзли сарвдан айрилибман, шу сабабли боғ ҳаваси ва бўстон сайри ҳам кўнглимни қон қилади.

Сафар таассуротлари

ҲАМКОРЛИК КЕНГАЯДИ

ҚАДИМ-қадимдан биз яшаётган юртда шоли етиштириб келинган. Омборида сақланадиган донни кишиларнинг тирикчилик ташвишидан кўнглини тўқ қилган. Қоп-қоп ғалласи бойлигига бойлик қўшган. Турмушини фаровон, бола-чақасининг ризқини бутун бўлишлигини таъмин этган. Эҳтиёждан ортганига кундалик турмуш учун зарур бўлган бошқа товарлар айрибош қилинган. Совет давридаги пахта яккаҳокимлиги шоличилик равнақига кўзга кўринмас тўсиқлар қўйди. Шолизорлар пахта майдонларига бўшатиб берилди. Натижада йилдан-йилга шоли етиштириш кўрсаткичлари пастлаб кетди. Шоли етиштириш учун ажратилган унумсиз ва самарасиз кичик-кичик майдонларда гектар бошига олинадиган ҳосилдорлик тушиб кетди. Ўсиб бораётган аҳоли сонининг эҳтиёжи етарли даражада инобатга олинмади. Бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари қатори гуручнинг ҳам нархи юқорилаб кетди.

Давр ўзгаришлари, хўжалик юритишдаги янгича қарашлар шоличилик истиқболига қайтадан йўл очди. 1990 йилдан шолипоялар яна кенгая бошлади.

Ўзбекистон шоличилик илмий-тадқиқот институтида қисқа давр мобайнида илмий ишлар жонланиб кетди. Қатор навлар яратилди. Чет эл шоликорлари билан илмий ва ижодий алоқалар янада мустаҳкамланди.

Яқинда Ўзбекистон шоличилик илмий-тадқиқот олий билимгоҳи директори Зукрулло Исмоилович АБДУЖАББОРОВ Мексикада бўлиб қайтди. У «ТҲ» мухбирига қуйидагиларни гапириб берди.

— Сафарнинг олдига қўйган мақсадлари хусусида гапиришдан олдин йўл таассуротлари, ўз кўзимиз билан кўрган манзаралар ҳақида сўз юритишни истар эдим, — ҳикоя қилади Зукрулла Абдужабборов. — Биз ўтирган учқич йўл-йўлакай Ирландиянинг Шном шаҳрига қўниб ўтди. Бир ярим соат давомида бу шаҳар ҳақида яхшигина тасаввурга эга бўлдик. Тайёрагоҳ ходимларининг хизматидан кўнглимиз тўлди. Расталардаги молларнинг хилма-хиллиги, сифатлилиги, арзонлигидан одамларнинг турмуши қандай даражада эканлигидан воқиф бўлдик. Ниҳоят, Гаванада ҳам тўхтаб ўтилгандан сўнг Мексика тупроғига қадам қўйдик. Мексика Лотин Америкаси мамлакатлари ичида барча соҳалари бўйича энг яхши ривожланган давлатлар қаторида турар экан. Уларнинг турмуш даражаси бизникидан бир неча ўн баробар юқоридир. Таққослаш унчалик тўғри хулоса бермаса-да, мисол тариқасида қуйидагини келтириш мумкин. Мексикаликларнинг ўртача ойлик маошига 4 та япон магнитофони сотиб олиш мумкин. Саноати ва қишлоқ хўжалиги бениҳоя тараққий этган. Буни савдо шохобчаларидаги маҳсулот турлари, нархларидан ҳам билса бўлади. Бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар ўртасидаги рақобатнинг кучлилигидан сифатга катта эътибор берилади. Маданият ҳам шунга яраша. Шаҳар кўчалари чиннидек топ-тоза, ахлат уюмини учратмайсиз. Одамларнинг бир-бирига бўлган илиқ муносабатлари кишининг қулфидилини очиб юборади.

Асосий мақсадга кўчадиган бўлсак, шоли етиштиришда Мексика ва Ўзбекистон бир хил об-ҳаво шароитига эга бўлиб, бизни мамлакат пойтахтидаги Метроплитана номли дорилфунун тажриба алмашишга ва шартнома тузишга таклиф қилган экан. Тўрт киши — қишлоқ хўжалик фанининг билимдонлари Виктор Пивоваров, Алексей Белов, Борис Гульченко ва мендан иборат гуруҳни дорилфунунда кутиб олишди. У ерда уч йўналишда, агроном, чорвачилик бўйича мутахассис, иқтисодчи тайёрланади. Ўқитиш усуллари ҳам ўзига хосдир. Иқтисодчи тайёрлаш керакми, фақат шу соҳага оид фанлар ўқитилади. Мукаммал ўрганиб бўлгандан сўнггина ёрдамчи фанлар ўқитилади. Дорилфунун ректори Асқар Бурят билимгоҳ ҳаётни билан атрофлича таништирди. Бир неча маротаба учрашувлар ўтказилди. Ўсимликшунослик олий билимгоҳида бўлдик. Шоли навларини яратиш борасида олиб борилаётган изланишлар билан танишдик. Сўнг шоликор районларга чиқдик.

Мексикаликлар 70 минг гектар ердан ўртача 50 центнердан ҳосил олишади. Бу биз оладиган ҳосилдан 14 центнер кўп демакдир. Биздагига нисбатан тўрт-беш баробар кам ўғит ишлатишади. Шоли етиштириш учун йиллик сув сарфи ҳам биздагига нисбатан тўрт-беш баробар камдир. Ҳосилдорликни оширишнинг бош омили алмашлаб экишни тўлиқ жорий қилишда, деб ҳисоблашади. Ҳақиқатан ҳам шундай эканлигига далаларни айланиб ишонч ҳосил қилдик. Шоли етиштирилиши керак бўлган ерда фақат шоли экилган. Бошоқли экинлар 4, 6, 9 далали усулда экилган. «Мариолос-А70», «Мариолос-А83» навлари юқори ҳосилли ҳисобланиб, 45—60 центнердан ҳосил олинади. Мехикодаги уруғчилик илмий-текшириш институтида янги нав уруғлари 15—20 даража совуқ остида 200 йилгача униш қобилиятини йўқотмай сақланади.

Ҳозирги кунда бизда ҳам, мексикалик олимлар томонидан ҳам узун гуруч берадиган, қуруққа экиладиган навлар яратиш борасида изланишлар олиб борилмоқда. Мақсадларнинг муштараклиги илмий изланишларда ҳамкорлик қилиш учун шартнома тузишга олиб келди. Изланишларнинг самараси ўлароқ институтимизда бундан бир неча йил аввал «Лазурний» нави яратилган эди. Узун гуруч берадиган бу нав чет эллик ҳамкасбларимизнинг ҳам эътиборини тортди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки жаҳон шоличилигида узун гуруч берадиган навларнинг бозори чаққондир. Шартномага кўра институтимиздан вакил Мексикада, мексикалик шоликор олим эса институтимизда ҳамкорликда илмий изланишлар олиб боришади. Мақсад боя айтганимиздек сувли ва қуруқ ерга экиладиган, узун гуруч ва юқори ҳосил берадиган навлар яратишдан иборатдир. Яқин вақт ичида олимларимиз ҳамкорлик қилиш ва тажриба алмашиш учун Эрон, Хитой, Ҳиндистон, Туркия давлатларига отланишади.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда 141 минг гектар ерга шолининг «Авангард», «Нукус», «Толмас», «Лазурний», «Машъал», «Жайхун» сингари навлари экиб келинмоқда. Ҳосилдорлик эса 35—36 центнерни ташкил этаётир. Самарадорликни ошириш ҳисобига бу кўрсаткични 50 центнерга етказишни мақсад қилиб қўйганмиз.

Биз хориждаги ҳамкасбларимиз билан ўзаро тажриба алмашишлар яхши самара беришига ишонамиз. Дастлабки натижалар шундан далолат бермоқда.

БОҒЧА БОР, ЛЕКИН...

АНГРЕН шаҳрида темир йўл шаҳобчалари анча кенг. Қатор станциялар бор. Уларда юзлаб ишчи-хизматчилар меҳнат қилишади. Бир вақтлар улар эҳтиёжини ҳисобга олиб болалари учун боғча қуриб берилган эди. Ҳозир ҳам ишлаб турибди. Пўлат из меҳнаткашларининг юз нафар жажжи фарзандлари унинг боғрида тарбияланмоқда. Бундан темирйўлчилар миннатдор. Бироқ унинг битта лекини бор, келинг, уни Ангрен станцияси касаба уюшмаси қўмитаси раиси Р. Мацкевас оғзидан эшитақолайлик.

— Боғча биноси анча илгари қурилган. Шароитларини ҳам кўнгилдагидек деб бўлмайди. Бироқ бор бўлгани яхши, йўқдан кўра. Атрофи, тўғрироғи, икки томонидан пўлат излар ўтган, уларда ҳаракат эртаю кеч тинмайди. Ўтаётган поездларнинг товуши бу ерда баралла эшитилиб туради, бу болаларнинг ҳордиқ чиқариши ва ухлашига ҳалақит бермоқда. Шуни ҳисобга олиб, биз Ўрта Осиё темир йўли бошқармаси раҳбарлигига бир неча бор мурожаат этиб, шаҳарнинг тинч, сокин жойида боғча қурилиши учун маблағ беришни илтимос қилдик. Лекин улар буни инобатга олишмаяпти. Қуруқ ваъдадан нарига ўтишмаяпти.

Ўрта Осиё темир йўли бошқармаси раҳбарлари бу ҳақли талабни қондириш учун барча имкониятларга эга. Фақат муаммони чўзавермасдан, тезроқ ҳал қилиш керак. Ахир гап келажак авлод, бевосита темирйўлчиларнинг фарзандлари, ўзларининг эса тинч, беҳаловат меҳнат қилишларини таъминлаш ҳақида бораяпти-ку. Бунинг учун маблағни аямаслик лозим. Чунки бизда ҳамма яхши нарсалар болаларга бўлиши керак.

М. МУҲАМЕДОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг жамоатчи мухбири.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

● ГЕРМАНИЯ Федератив Жумҳурияти ташқи ишлар вазири Ганс-Дитрих Геншер куни кеча сўзга чиқиб, халқаро ҳамжамият ядровий қурол ва технологияси тарқалишининг олдини олишга ниҳоятда зудлик билан киришмоғи лозим, деди. Унинг фикрича, бу ишда тактик ядро қуроли тарқалиши билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор бермоқ лозим. Бу муаммо Совет Иттифоқи тарқалиб кетганидан сўнг, айниқса, долзарб бўлиб қолди.

● СОБИҚ СССРнинг Ғарб мамлакатларига қарзи 65,1 миллиард долларни ташкил этади. Унинг 53 миллярди ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган қарзлардир. Японияда чиқадиган «Нихон кайдзай» рўзномаси бу рақамларни собиқ Совет Иттифоқининг ташқи қарзларига бағишланган мақоласида келтирди. Рўзноманинг ёзишича, Совет Иттифоқини энг кўп қарздор қилган мамлакатлар рўйхатида биринчи ўринда Германия билан Япония туради. Германияга собиқ Совет Иттифоқи 14,5 миллиард доллар, Японияга эса 6 миллиард доллар қарз тўлаши керак.

● «НЬЮ-ЙОРК таймс» рўзномасида чоп этилган мақола Саудия Арабистонининг Форс кўрфазида бўлиб ўтган урушдан кейинги пайтда Саудия Арабистони билан Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги ўзаро мулоқотларига бағишланди. Сўнгги даврда, деб ёзади рўзнома, Саудия Арабистони Ж. Буш маъмуриятига Ироқ армиясини бўлиб юборишни мақсад қилиб қўйган снёсат юргазиш хусусида зимдан маслаҳатлар бермоқда. Саудия Арабистони фикрича, бундай хатти-ҳаракат Саддам Хусайн тузумини ағдаришга олиб келиши мумкин. Шу билан бир қаторда, иттифоқчилар Ироқ шимолида ҳаракат қилаётган курд исёнчиларини ҳамда мамлакат жанубида фаолият кўрсатаётган шиа мазҳабига мансуб гуруҳларни қуроллароғлар билан, шунингдек, ахборотлар билан таъминлаб туришда ҳам амалий чоралар кўриши керак.

● СУРИЯ ҳамда Ливан 28 январда Москвада очиладиган Араб-Исроил музокараларига боришдан бош тортмоқда. Сурия ўз нуқтаи назарини асослаб, Исроил босиб олинган араб ҳудудларидан ўз қўшинларини олиб чиқиб кетмаётир, деса, Байрут эса Вашингтонда яқинда бўлиб ўтган тинчлик конференциясининг навбатдаги босқичида бирон-бир силжишларга эришилмади, демоқда. Яқин Шарққа бағишланган тинчлик музокараларининг учинчи босқичи масаласига келганда Миср, ўз қўшинларидан фарқли ўлароқ, Москва музокараларида қатнашиш истагини билдирди.

● ОММАВИЙ ахборот воситаларининг таъкидлашича, жейнги пайтда Мьянма (собиқ Бирма) маъмурияти мамлакатда истиқомат қиладиган мусулмон аҳолисига нисбатан тазйиқ ўтказиш ва қатағонлик хатти-ҳаракатларини кучайтириб юборди. Натижада жуда кўплаб мусулмонлар мамлакатдан бош олиб кетишга мажбур бўлмоқдалар. Бангладеш ҳукуматининг расмий вакиллари кейинги кунларда Мьянмадан Бангладешга 61 минг нафар мусулмонларнинг қочиб ўтганликларини тасдиқладилар.

● АНГОЛА пойтахтида очилган кўп партиявийлик конференциясида оппозиция ва ҳукумат вакиллари иштирок этмоқда эдилар. Кун тартибига мамлакатни демократик бошқариш йўлига ўтказиш масаласи қўйилиши лозим эди. Бироқ, конференцияда қандайдир бир снёсий орган тузишга уриниш бошланганидан сўнг жумҳурият президенти Э. душ Сантуш уни ёпиб қўйди. Президент фикрича, бундай хатти-ҳаракат давлат тўнтаришига олиб келиши мумкин.

● ХИТОЙ-АМЕРИКА қўшма корхонасини вужудга келтириш тўғрисидаги битимга имзо чекилди. Бу ҳужжатга асосан Американинг «Женерал моторс» фирмаси Хитой Халқ Жумҳуриятининг шимолий-шарқий ҳудудида жойлашган Шэньянь шаҳрида юк ағдарувчи машиналари ишлаб чиқарадиган корхона қуради. Бир йилдан сўнг Хитой йўлларида мазкур корхонанинг дастлабки машиналари пайдо бўлади. 1995 йилга бориб эса мазкур корхона ҳар йили 60 минг 1 та юк машинаси ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади.

● ИНДОНЕЗИЯ ташқи ишлар вазири Али Алатас яқинда Камбоджага расмий ташриф билан келган эди. У билан бўлган учрашувда Нородом Сианук «менинг яқин ўртада Камбоджа олий миллий кенгаши раислиги лавозимидан истеъфога чиқиш ниятим йўқ», деб айтди. Шу билан бирга Н. Сианук Камбоджа муаммосини ҳал этишда Индонезия катта ҳисса қўшганлигини таъкидлади.

● ОВРУПО мамлакатларида тамаки чекишга қарши кураш сезилари даражада авж олмоқда. Овруپо парламенти залида «кичик Овруپо»да тамаки буюмларини реклама қилиш тўла тақиқланиши мумкинлиги муносабати билан жанжал рўй берди. Бунинг оқибатида Овруپо парламенти «ўн иккилар» Овруپо ҳамжамиятлари комиссиясининг ижроия органи унга таклиф этган тегишли кўрсатма лойиҳасига ўз муносабатини ошкор билдира олмади. Овоз бериш Овруپо парламентининг февраль ойида бўладиган навбатдаги мажлисига қадар кечиктирилди.

● АМЕРИКА Қўшма Штатларида «XX аср вабоси» — СПИД касалига йўлиққанлар сони 200 минг кишидан ошиб кетди. Жоржия штатида жойлашган касалликлар устидан назорат қилиш маркази маълумотларига қараганда, мазкур касаллик вируси топилганидан сўнг саккиз йил ўтгач, ана шу бедаво дардга йўлиққан дастлабки 100 минг бемор рўйхатдан ўтказилган бўлса, қолган 100 минг нафар киши биринчи аниқланганидан сўнг ўтган атиги икки йилдан кўпроқ вақт ичида рўйхатга олинди. Ҳозиргача СПИД 134 мингга яқин американликнинг ёстиғини қуритди.

● ТАЙВАНЬ маъмурияти ташқи сиёсий маҳкамаси бошлиғи ўринбосари яқин кунлар ичида Россияга сафар қилади. Рейтер ахборот бошқармаси Тайванда чиқадиган «Чайна таймс» рўзномасининг хабарига таяниб, юқоридаги хабарни тарқатди. Бу вакил Украинага, шунингдек, Болтиқбўйидаги уч давлатга сафар қилади. Бошқарманинг таъкидлашича, у илгари ҳам Болтиқбўйи мамлакатларида бўлган эди. Хабарда айтилишича, Тайвань Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кирган мамлакатлар билан иқтисодий ва бошқа норасмий муносабатларни ривожлантиришга интилмоқда.

• *Ҳарбий-ватанпарварлик бўлимига келган хатлардан*

ЖАСУР ЖАНГЧИЛАРНИ ТАНИЙСИЗМИ?

Абдулла Раҳмонов Қизил Армия сафига Қуйи Чирчиқ районидаги Будённовка қишлоғидан чақирилган. У 69-механизациялашган бригаданинг артиллерия дивизиони таркибида бошқарув взводи командири бўлган.

Жанговар ҳаракат кезларида А. Раҳмонов артиллерия дивизиони таркибида бўлган батарея командирини душман ҳақида барча зарур маълумотлар билан таъминлашнинг уддасидан чиқар эди.

Кольбушево аҳоли пункти учун жанг қилинган 1944 йил 1 август куни А. Раҳмонов бошчилигида разведкачилар гуруҳи душман мудофаа позицияси ва у ердаги ўт очиш воситаларини аниқлади, уларнинг яксон қилиниши ўқчи бўлинмалар жангчиларининг олға силжишини таъминлади.

Падев қишлоғи учун жанг қилинган 4 август куни пиёдаларнинг жанговар тартибида бўлган Раҳмонов душман ўт очиш нуқталарини аниқлади, улар замбаракчиларимиз томонидан яксон қилинди.

Бригада командири 1944 йил 25 августдаги 032/Н-сон буйруғига мувофиқ старшина Абдулла Раҳмоновни Қизил Юлдуз ордени билан мукофотлаган.

* * *

Фронтга Калинин районидаги Юсупов номли колхоздан йўл олган Жуматой Тўлебоев 9-гвардиячи кавалерия дивизиясининг 151-таничилар полки таркибида сапёр сифатида жанг қилган.

Пюшек-Ладань шаҳри учун жанг қилинганда танклар пиёдаларимиз жанговар тартибидан ўтиб, шаҳарга яқинлашганларида шиддатли артиллерия отишмасига дуч келдилар. Полк қўмондонлиги Тўлебоевга душман автоматчиларининг орқасига ўтиб, гитлерчилар ўт очиш нуқталарини аниқлаш тўғрисида буйруқ берди. Тўлебоев шаҳар чеккасига етиб олиб, шаҳар бўсағасига қарата ўт очиб турган 4 замбарак ва 2 зенит замбарагини аниқлади, уларни қўмондонликка хабар қилди.

Тўлебоев орқага қайтаётганда асирга олиш мақсадида унга 2 гитлерчи ҳужум қилди. У граната улоқтириб, 2 фашистни ҳам гумдон қилди. Тўлебоев аниқлаган душман ўт очиш нуқталари танклардаги замбаракчилар томонидан яксон қилинди. Шундан сўнг танклар шаҳар чеккасига етиб олишлари учун имконият вужудга келди.

Дебрецен шаҳри шимолидаги дарахтзор ичида жанг олиб борилганда Тўлебоев душман мудофаа позициясида жойлашган, чакалакзорда яширинган душман ўзиюрар замбарагини аниқлади, бу ҳақда дарҳол танкчилар взводи командирига хабар берди. Танк замбаракчилари аниқ мўлжалга олиб ўт очиб, душман ўзиюрар замбарагини яксон қилиб, Ундан чиқиб қочмоқчи бўлган гитлерчиларни Тўлебоев автоматидан ўт очиб, жаҳаннамга жўнатди.

Дивизия командирининг 1944 йил 4 ноябрдаги 022/Н-сон буйруғига биноан Жуматой Тўлебоев III даража Шуҳрат ордени билан мукофотланган.

* * *

Қувас Қаюмов Совет Армияси сафига Оҳангарон районининг Облиқ қишлоқ Советидан чақирилган. У 34-гвардиячи алоҳида оғир танклар полкида автоматчи сифатида жанг қилган.

Одер дарёсининг ғарбий қирғоғидаги Хатенов аҳоли пункти яқинида плацдармни кенгайтириш учун жанг қилинганда ва Зеелов тепалиги таянч пунктларини ишғол қилишда автоматчилар бўлими таркибида ҳаракат қилган Қаюмов ҳандақка бостириб бориб, танкка қарши отувчи гитлерчилар билан жанг бошлади ва душманнинг 35 га яқин солдат ва офицерини қириб ташлади. Натижада танклар олға силжиши учун имконият туғилди.

8-гвардиячи армия қўмондони 1945 йил 9 июндаги 711/Н-сон буйруғига асосан Қувас Қаюмовни III даража Шуҳрат ордени билан мукофотлади.

* * *

Фронтга Чиноз районидаги Кўтарма қишлоқ Советидан жўнаган Шамидин Жўрабоев 15-ўқчи дивизиянинг 676-ўқчи полки таркибида замбарак командири сифатида жанг қилган.

У 1944 йил 24 июнь куни душман мудофаасини ёриб ўтишда жасур ва мард жангчи эканлигини кўрсатди. Ш. Жўрабоев ўз расчети билан замбарагини кўтариб отиш позициясига олиб чиқди ва душман истеҳкомларига зарба бера бошлади.

Шу жангда у ўз замбарагидан ўт очиб, бир взводга яқин душман солдатларига қирон келтирди ҳамда пиёдаларимизнинг олға силжишига имконият яратиб берди. Шундан сўнг Жўрабоев командир бўлган замбарак расчети пиёдалар билан ёнма-ён бориб, душман ўт очиш нуқталарининг яксон қилинишини таъминлади.

Дивизия командири 1944 йил 22 июлдаги 126/Н-сон буйруғига мувофиқ старшина Шамидин Жўрабоевни III даража Шуҳрат ордени билан мукофотлади.

Мажид САМАДОВ,
Улуғ Ватан уруши фахрийси.

ХИТОЙ МУСАВВИРИНИНГ КЎРГАЗМАСИ

Хитой ранг-тасвир санъатининг қарийб бир ярим минг йиллик тарихга эга бўлган «Бо хуа» кўҳна услуби амалда йўқолиб кетган эди. Мусаввир Фэн Чжи-Бинь ана шу усулни тиклашда катта хизмат қилди. Хитойлик мўйқалам соҳибининг асарлари Тошкентда, Ўзбекистон санъат музейининг залларидан бирида очилган кўргазмага қўйилди. Мусаввир санъат илмгоҳида таълим олди, у ўз ватанида халқ санъатини ўрганиш жамиятининг бош котиби ҳамдир.

Муаллиф материал сифатида Хитой қарағайи илдизларидан алоҳида усулда тайёрланадиган «Суань» деб аталган қоғоздан ҳамда тушдан фойдаланади. Афсонавий ёки халқ оғзаки ижоди руҳи билан йўғрилган ҳар бир расм лирик ҳикояга ўхшаб кетади. Улардан ажиб бир бокиралик, самимийлик уфуриб туради.

Фэн Чжи Бэнь Тошкентда, умуман Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида ўз асарларини илк бор намойиш этмоқда. Бунга қадар Канада, Япония, Гонконгда унинг шахсий кўргазмалари томошабинлар ҳукмига ҳавола этилганди. Унинг кўплаб асарларини жаҳон музейлари сотиб олган. Шунингдек, улар хусусий коллекциялардан ўрин олган.

Тошкентдаги «Аргол» митед» хусусий фирмаси, «Умид» ижтимоий хайрия жамияти, Ўзбекистон Рассомлар уюшмаси Хитой мусаввири кўргазмасини ташкил этдилар.

— Мен тошкентликларни Хитой ранг-тасвир санъати асарлари билан таништириш имконияти берилганидан хурсандман, — дейди Фэн Чжи Бэнь. — Кўргазмадан сўнг ким ошди савдоси уюштириш ниятидамиз. Асарларим сотилса, улардан тушган маблағларни ҳайрия мақсадларига бериш ниятидаман.

Э. ТУХВАТУЛЛИНА,
ЎзТАГ мухбири.

ҲАЙЪАТ АЪЗОЛАРИ ТАНЛОВИ

«Улуғбек» номидаги жумҳурият жамғармаси иқтидорли толиби-илмлар камолоти йўлида ҳам тадбиркорлик билан иш олиб бормоқда. Жамғарма раёсати хориждаги йирик олий ўқув юртлари билан яқин алоқа боғлаб, бир неча умидли ёшларни ўқишга йўллаш режаларини ишлаб чиқди.

Америконинг Рокфеллер марказий дорилфунуни билан белгиланган ўзаро келишувга кўра тошкентлик ёш физик олим Р. Аброров мазкур олий ўқув юртига юборилиши, кўзда тутилган. У олти ойлик ўқиш учун ўтказилган танловда яхши натижаларга эришди.

А. АКБАРОВ.

ТАШИБ КЕТУВЧИЛАР ЙЎЛИДАГИ ҒОВ

ВИЛОЯТ НАЗОРАТ ИНСПЕКЦИЯСИ ХОДИМЛАРИ ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ АСТОЙДИЛ КУРАШ ОЛИБ БОРМОҚДАЛАР.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар Вазирлиги ҳузурида давлат назорат Бош бошқармаси ташкил этилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Шунга қарамай бошқарма ва унинг жойлардаги бўлимлари иқтисодий жиноятларга қарши кўпгина самарали ишларни амалга оширдилар. Улар халқнинг ижтимоий жиҳатдан ҳимояланишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Бугунги кунда пойтахт вилоятида 21 та назорат пости мавжуд. Ўтган йилнинг ноябрь ойида иш бошлаган вилоят назорат инспекцияси ходимлари 2,5 ой мобайнида республикамиздан ноқонуний тарзда олиб чиқиб кетилаётган турли ҳил озиқ-овқат маҳсулотлари, асбоб-ускуналар, дори-дармонлар, саноат моллари, пул маблағларини ушлаб қолдилар. Уларнинг миқдори 30 миллион сўмдан иборат. Моддий бойликлар Ўзбекистонга қайтарилди.

Вилоят инспекциясига ички ишлар Академиясини тугатган, вилоят ички ишлар бошқармаси жиноят-қидирув, ОБХСС хизматларида ишлаб, бой тажриба орттирган милиция подполковники Абдулла Убайдуллаев бошлиқ этиб тайинланган.

Тошкент — Чимкент халқаро автомобиль йўлида, Қозоғистоннинг Черняевка қишлоғи яқинида жойлашган 10-пост энг муҳим постлардан бири. Чунки, Ўзбекистондан қонунсиз равишда олиб кетилаётган моддий бойликларимиз шу постда ушлаб қолинмаса, учар ҳайдовчилар уларни Қозоғистон орқали Сибирь, Узоқ Шарқ ҳудудларига олиб кетишлари мумкин. Бу постдан кўплаб енгил ва юк автомашиналари, автобуслар ўтади. Кечаю кундуз ҳаракат тўхтамайди.

Мана, Тошкент томондан турна қатор машиналар келмоқда. Олдиндаги «ВАЗ Н 09-33-ТН» номерли машина тўхтатилди. Унинг ҳайдовчиси В. Шумилиннинг кўзлари ўйнаб турарди. Негадир асабийлашарди. Орқа ўриндиқда ўтирган Е. Навицкийга қарашли дипломатдан 200 минг сўм пул чиқди. У Чимкентдаги «Қизил қум» ширкатининг Тошкент участкасида бошлиқ бўлиб ишлар экан, шериги ҳам шу ширкатдан. Уларнинг ҳар иккаласи бу пуллар ишчиларники, дейишдию, гапларини тасдиқлайдиган ҳужжат кўрсатиша олмади. Пуллар тегишли жойга топширилди.

Шу постнинг ходимларидан Ҳ. Абдуллаев, Ў. Исроилов, А. Азизовлар «Тошкент—Жамбул» маршрути бўйлаб кетаётган «ТШР 55—08» «Икарус»иннг юкхонасидан йўловчи Шекербековага тегишли Японияннинг «Кантехко» фирмасида тайёрланган, ҳар бирининг баҳоси 170 сўм бўлган 211 дона (жами баҳоси 35 минг 870 сўм) зарли гулдор аёллар рўмоли, йўловчи Қ. Ўрозбоевга тегишли тугунда 320 дона чой борлигини аниқладилар. Қора ҳинд чойларининг эгаси буларни узоқ йиллар доналаб йиғдим, деди. Ваҳоланки, қутилардаги ёзувларга қараганда чойлар яқиндагина ишлаб чиқарилганлиги билиниб турарди.

Биз вилоят инспекциясига қарашли 17-постдамиз. Назоратчилар «СНЛ 66—12» номерли «КАМАЗ» юк машинасини тўхтатдилар. Самарқанддаги 3-таъмирлаш-қурилиш монтаж бошқармасига қарашли машина ҳайдовчиси Г. Шахназаров Пастдарғомдаги «Правда» колхози аъзоси А. Худойназаров билан тил бириктириб, «Суғдиёна» фирмасининг Жиззах бўлимига қарашли 10 минг литр узум виноси (55 минг сўмлик)ни Новосибирскдаги «Станнум» бирлашмаси ширкатига пуллаш учун олиб кетаётганлиги маълум бўлди. Гарчи А. Худойназаров биз бартер бўйича маҳсулот олиб кетяпмиз деса-да, қўлидаги ҳужжатларнинг сохталиги аниқланди. Бу иш юзасидан Чиноз район прокуратурасида иш қўзғотилди.

Ургутдан тамаки маҳсулотлари олиб кетаётган Я. Қаҳҳоров, К. Тўйчиевлар 18-пост назоратчиларини чалғитишга уриндилар. Я. Қаҳҳоров пост бошлиғи, милиция капитани Р. Ҳолиқовга минг сўм пора бермоқчи бўлганда ушланди. Энди у терговда ўз қилмишларига жавоб беради.

Биз Бекободдаги 2-постдамиз. Назоратчилар «65—12 ТШП» номерли «ГАЗ-52» юк машинасини синчковлик билан кўздан кечирганларида Тожикистонга олиб кетилаётган 358 кило гўшт борлигини аниқладилар. Суриштиришлардан сўнг гўшт Бекобод шаҳар умумий овқатланиш трести омборчиси Шарофат Тўрақуловага тегишли эканлиги билинди. Тўрақулованинг уйи тинтув қилинганда 620 кило «Ароматное», 500 кило «Крокет» печеньелари чиқди. Уларнинг умумий баҳоси 9 минг 400 сўм. Тўрақулова устидан жиноий иш қўзғаш учун тегишли ҳужжатлар шаҳар ички ишлар бўлимига юборилди.

Аҳволимиз танг бўлиб турган пайтда баъзи учарлар мўмай фойда кўриб қолиш пайига тушмоқдалар. Б. Ўрунов ана шундайлардан бири экан. У «Жигули» машинасида Қозоғистонга анчагина пул ва чет эл валюталари, 16 кило колбаса, «Пионер» магнитафони, калишларни олиб кетмоқчи бўлган.

Хуллас, назоратчилар ҳамиша ҳушёр туришибди. Қонунга хилоф равишда, айрибошлаш қоидаларини бузиб ташқарига моддий бойликларимизни ўғринча олиб ўтмоқчи бўлган шахслар ҳар қанча усталик қилишмасин, барибир қўлга тушадилар.

М. НУРИДДИНОВ.

СУРАТЛАРДА: назорат посбонлари ўз хизмат бурчларини адо этмоқдалар.
Муаллиф суратлари.

Муҳаррир ўринбосари
С. Ғ. МУСАЕВ.

ЭЪЛОНЛАР, БИЛДИРИШЛАР

«Юбилей» Марказий спорт саройида

25, 26 ЯНВАРЬ СОАТ 15 ВА 17.00 ДА

БОЛАЛАР, УСМИРЛАР, ЕШЛАР ВА КЕКСАЛАР УЧУН

КАТТА ШОУ-КОНЦЕРТ ПРОГРАММАСИ

ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР:
«ОСИЁ ОВОЗИ—90» ХАЛҚАРО КУРИГИНИНГ ОЛИЙ МУКОФОТ СОВРИНДОРИ
«ҚАРС» гуруҳи

МУЗ УСТИДА УЧИШ УСТАЛАРИ
«ЎЗБЕКИСТОН ҚИЗЛАРИ» РАҚС ДАСТУРИ
АСКИЯ УСТАЛАРИ

«БЕК» ГУРУҲИ

ЦИРК САНЪАТИ УСТАЛАРИ
ШОХРУХ, МОҲИНУР
ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист

ШАХБОЗ НИЗОМИТДИНОВЛАР
«ЕШЛИК»
ЎЗБЕК КУЙ ВА ҚУШИҚ ДАСТУРИ
КАТТА КОНЦЕРТИМИЗГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ!

Чипталар Спорт саройи кассаларида ва «Пахтакор», «Октябрь инқилоби» метро станцияларида сотилади. Касса ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: касса — 46-03-12, 46-03-31; маъмурият — 46-07-53.

ТОШКЕНБОЙ ЭГАМБЕРДИЕВ НОМИДАГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА



Ўзбекистонда биринчи марта «Муборизъ» ассоциацияси

31 ЯНВАРЬ, 1, 2 ФЕВРАЛЬ СОАТ 17.00 ДА

КИКБОКСИНГ, ФУЛ КОНТАКТ КАРАТЭ БУЙИЧА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БИРИНЧИ ОЧИҚ ЧЕМПИОНАТИНИ ЎТКАЗАДИ

Дастурда Ўзбекистоннинг етакчи ансамбллари иштирок этади.

Чемпионат Тошкенбой Эгамбердиев номли Тошкент давлат цирки биносида ўтказилади.

ЧЕМПИОНАТ ҲОМИЙИСИ —«НИГОҲ» ФИРМАСИ.
Чипталар Тошкент давлат цирки кассаларида сотилади.

Касса «ЮБИЛЕЙ» спорт саройида соат 10 дан 18 гача ишлайди.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 44-17-81, 44-17-84, 44-35-91, 44-29-04.

«СТРОЙМЕХАНИЗАЦИЯ» БОШ БОШҚАРМАСИ

«Миноралн кран машинисти»ни тайёрлайдиган

КУНДУЗГИ КУРСГА

18 ёшга кирган қизларни ва Совет Армиясида хизматни ўтаб келган йигитларни

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — 5 ой.
Ўқиш мобайнида ҳар ойда 250 сўмдан ойлик берилади.

Бошқарма ёлғизларни ётоқхона ва прописка билан таъминлайди.

Манзилимиз: Академик Сулаймонова кўчаси, 49-уй (1, 8, 10-троллейбусларнинг «ОДО» бекати).
Телефон: 33-08-54.

ФАЙЗ Лтд.

ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТДАН ҚОНУНИЙ

Эртаклардаги сингари тез, қулай ва сифатли кафолати билан.

Технологияси ва фойдаланиладиган материаллари «ТРОДАТ» Австрия фирмасиники.

ФАЙЗ ЛТД ФИРМАСИ — бу:

ҳар қандай график тасвирли, обрўли кўринишли муҳрлар, штамплар, оттисклар, факсимиле, серҳашам, зарҳалланган ташрифномалар ва ҳоказолар демакдир.

Мулоқот телефони: соат 9 дан 17 гача: 77-56-17.

Тошкент ҳақиқати

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП ЛЕНИНГРАД КУЧАСИ, 32.

Муҳаррир ўринбосарлари — 335885, 325747, 325748, 337916; масъул котиб — 334808, 325353; масъул котиб ўринбосарлари — 325750; бўлимлар: шўролар ҳаёти — 325778, 337010; қишлоқ хўжалиги — 325647; саноат, қурилиш ва транспорт — 325749, 337010; ижтимоий масалалар — 325645; маданият — 325767; адабиёт ва санъат; миллий қадриятлар — 325553; ёшлар ҳаёти, ахборот ва спорт — 325556, 339915; хатлар ва оммавий ишлар— 325354, 334048; тижорат бўлими — 325733; жамоатчи кенгаш қабулхонаси — 325354, 334048; эълонлар— 325666.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000, Тошкент, ГСП, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Нашр кўрсаткичи: 14 Индекс: 64872. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 20.00. 30579 нусха босилди.